



Inson huquqlari – oliy qadriyat

HUQUQ DUNYOSI

Huquqiy, ilmiy-ommabop jurnal

2023-yil, 7-8-son



КРЕДИТ

**АЛДАНГАН МИЖОЗНИ
КРЕДИТ ҚАРЗИНИ
КИМ ТҮЛАЙДИ?**



HUQUQ DUNYO SI

2023-yil 22-avgust, 7-8-son

МУАССИС:

«Хаёт ва ҳуқук» мчж

БОШ МУҲАРРИР:

М.ЭРКАБОВА.

ҲАМКОРИМИЗ:

Фарғона вилоят суди.

Наманган туманлараро
маъмурий суди

Фарғона вилоят

Халқ таълими

бошқармаси.

ЖАМОАТЧИЛИК

КЕНГАШИ:

Ф.АМАНОВ.

Х.БОЙНАЗАРОВ.

Ш.ЭРМАТОВ.

М.АМАНОВ.

М.МАМАЖОНОВ.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 12/124 рақами билан 11.08.2017 йилда рўйхатга олинган.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

Фарғона шаҳри, Соҳибқирон
Темур кўчаси, 28-уй.

e-mail: huquqdunyosi@mail.ru

Реклама ва эълонлар учун
телефон: +99891 130 44 02

Саҳифаловчи:

Н.МАШАРИПОВА.

Нашр бичими: 60x841/8

ҳажми: 4 б.т.

Тираж: 200 дона

Буюртма № ____

Марғилон шаҳар

“WHITE NEW PRESS”

босмахонасида офсет усулида
чоп этилди.



ТАНТАНАЛИ ТАДБИР ТАФСИЛОТЛАРИ



2023 йил 5 август кuni Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабининг 2022-2023 ўқув йилида судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш курсини муваффақиятли тамомлаган тингловчиларига магистр дипломини топшириш тантанали маросими бўлиб ўтди.



Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг раиси М.Э.Абдусаломов, Судьялар ассоциацияси раиси У.Қ. Мингбоев, Олий суд раисининг биринчи ўринбосари Р.А.Маҳмудова ҳамда Судьялар олий кенгаши судьялари, Судьялар олий мактабининг профессор-ўқитувчилари иштирок этишди.

2022-2023 ўқув йилини жами – 138 нафар тингловчи (Жиноят ҳуқуқи ихтисослиги бўйича 45 та, Фуқаролик ҳуқуқи ихтисослиги бўйича 47 та, Иқтисодий ҳуқуқ ихтисослик бўйича 23 та ва Маъмурий ҳуқуқ ихтисослик бўйича 23 нафар тингловчи) муваффақиятли якунлади.

Ўқув йили давомида одил судловнинг долзарб масалаларини тадқиқ қилиш мақсадида 50 га яқин халқаро ва 10 дан ортиқ республика миқёсидаги турли тадбирлар ўтказилди. Дарсларнинг сифатини янада яхшилаш мақсадида Олий мактабнинг 30 га яқин ходимлари хорижий давлатлар таълим муассасаларида билим ва кўникмаларини оширган ҳолда тажриба алмашиб келишди.

Таълим жараёнига бевосита юқори мала-

кали судьялар, ҳуқуқшунос олимлар, соҳа мутахассислари ҳамда халқаро экспертлар жалб қилинмоқда. Тажриба алмашиш мақсадида хорижий давлатларнинг судьяларни тайёрлаш бўйича махсус таълим муассасалари билан ҳамкорлик алоқалар мустаҳкам ўрнатилган. Мисол учун, хориж давлатларидаги Судьялар олий кенгашлари ҳузуридаги таълим муассасалари, хусусан, Испания Судьялар олий мактаби, Болгария Судьялар миллий институти, Руминия Миллий магистратура институти, шу билан бирга мустақил юридик шахс мақомига эга бўлган Франция Миллий магистратура мактаби, Италия Одил судлов мактаби ҳамда Канада Миллий судьялар институти билан ҳамкорликда мунтазам тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Судьялар олий мактабида инсон ҳуқуқлари оид нормалар ҳамда халқаро ҳуқуқ нормаларининг қўлланилиши бўйича ўқув машғулотлари шакллантирилган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ушбу таълим ва илмий тадқиқот даргоҳининг битирувчилари келажакда давлат ва жамият ҳаётида адолат ўрнатилишига амалий ҳиссалари қўшадилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАЪМУРИЙ СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШ ТЎҒРИСИДАГИ КОДЕКСИГА

КИРИТИЛГАН СЎНГГИ ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР МАЗМУН-МОҲИЯТИ ҲАҚИДА

Мамлакатимизда давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан самарали суд назоратини ўрнатиш, шунингдек фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг одил судловга эришиш даражасини ошириш, республика ижро этувчи ҳокимият органларининг ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг, мансабдор шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига мувофиқ фаолият юритишини таъминлаш борасида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида мансабдор шахсларнинг қарорлари устидан берилган шикоятларни маъмурий судларда кўриб чиқиш тизимини такомиллаштириш орқали суд назоратининг қўлланилиш соҳасини кенгайтириш, қарори, ҳаракати (ҳаракатсизлиги) қонунга хилоф эмаслигини маъмурий судда исботлаш мажбуриятини уни қабул қилган мансабдор шахснинг зиммасига юклаш тартибига қатъий риоя этилишини таъминлаш, шунингдек суд ҳужжатларини ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишнинг самарали механизмларини жорий этиш назарда тутилган.

Мамлакатимизда суд тизимини демократлаштириш ва мустақиллигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тизимда амалга оширилаётган ислохотлар фуқаролар ва тадбиркорларнинг суд идораларига нисбатан ишончи ошишига, суд қарорларининг барқарорлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Фуқаролар ва тадбиркорлар ҳуқуқ ва манфаатларини янада ишончли ҳимоя қилиш, давлат органларининг халқ учун хизмат қилишини таъминлаш давлат сиёсатининг асосий мақсадларидан биридир.

Бунда маъмурий судлар мазкур принципни амалга оширувчи муҳим тизимдир. Президентимизнинг 2017 йил 21 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида маъмурий суд тизимини ташкил этиш белгиланди ва 2017

йил 1 июндан бошлаб ўз фаолиятини бошлади. Маъмурий судларнинг асосий вазифаси оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни, яъни маъмурий ишларни ҳал этишдан иборат.

Оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни кўриб чиқишда маъмурий судлар фаолиятини такомиллаштириш мақсадида амалга оширилаётган ислохотларнинг мантиқий давоми сифатида 2023 йилнинг 26 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг “Давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича қўшимча чоралар кўрилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги УРҚ-833-сонли қонуни қабул қилинди.

Мазкур қонун билан давлат органларининг қарорлари устидан берилган шикоятларни кўриб чиқишда маъмурий судлар ролини кучайтиришга қаратилган бир қатор нормалар киритилди.

Жумладан, маъмурий суд ишларини юритишда янги принцип “Суднинг фаол иштироки” тамойили асосида иш юритиш жорий этилди. Бунда маъмурий судларга ишнинг ҳақиқий ҳолатини аниқлаш учун ўз ташаббуси билан қўшимча далилларни йиғиш, ишда иштирок этувчи шахсларга эса ишнинг ҳақиқий ҳолатини текширишда ва далилларни тўplashда судга қўмаклашиш шартлиги белгилаб берилди.

Таъкидлаш лозимки, юқорида қайд этилган қонун билан яна бир муҳим ўзгариш – суд тизимига “яго-

на дарча” тамойили жорий этилди. Бундан буён иш фуқаролик, иқтисодий ёхуд маъмурий судга тааллуқли бўлишдан қатъий назар аризалар “ягона дарча” асосида қабул қилинади.

Хусусан, маъмурий суд фаолияти юзасидан тушунтириш берилса, эндиликда маъмурий судга мурожаат қилган мурожаатчининг аризаси (шикоят) мазкур судга тааллуқли бўлмаганлиги сабабли қабул қилишни рад этиш ёки иш бўйича иш юритишни тугатиш тартиби бекор қилинди. Янги тартибга кўра, ариза (шикоят) судга тааллуқлилиқ қоидалари бузилган ҳолда маъмурий судга тақдим этилганлиги аниқланса, 5 кун ичида “ариза (шикоят) тааллуқлилигига кўра фуқаролик ишлари бўйича судга ёки иқтисодий судга кўриб чиқиш учун ўтказиш тўғрисида” ажрим чиқариб, иш материалларини тегишли судга юбориши белгиланди.

Қонунда тарафлар ўртасида низога барҳам бериш мақсадида келишув битими тузиш тўғрисида янги норма белгиланди. Бу норманинг аҳамияти ва судда кўриш тартиби қандай?

Эндиликда тарафларга уларнинг ихтиёрий розилиги асосида оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар бўйича ярашувга эришиш механизми, келишув битимини тузиш ҳуқуқи берилди. Келишув битимининг асосий вазифаси муайян маъмурий ишлар бўйича тарафларнинг позициясини яқинлаштириш, низони ҳал этиш шартларини тартибга солиш учун қўшимча имкониятларни аниқлаб, ўз манфаатлари ва имкониятларидан келиб чиқиб ўзаро музокаралар орқали ярашув

натижаларига эришишда имконият беришдан иборат. "Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисида"ги кодексга келишув битимини тузишнинг процессуал тартибини белгиловчи янги 151-боб киритилди. Унга кўра, тарафлар маъмурий суд ишларини юритишнинг барча босқичларида, шу жумладан, суд ҳужжатини ижро этиш жараёнида ҳам низони келишув битимини тузган ҳолда ҳал этишлари мумкин. Бунда тарафларнинг келишуви фақат жавобгарда маъмурий ихтиёрийлик (дискрецион ваколат), яъни, маъмурий органнинг қонунчилик доирасида йўл қўйилган чоралардан бирини қонунийликка ва мақсадга мувофиқликка ўзи баҳо бериши асосида ўз ихтиёрига кўра қўллаш ёки тегишли чорани қўллашдан воз кечиш ҳуқуқи мавжуд бўлганда йўл қўйилади. Судлар томонидан келишув битимини вакил орқали тузишга, хусусан, ишончномада келишув битими тузиш ваколати назарда тутилган тақдирда ҳам Кодекснинг 62-моддаси биринчи қисмига кўра, вакиллар томонидан келишув битими тузилишига ҳамда бундай келишув битимлари судлар томонидан тасдиқланишига йўл қўйилмайди.

Шу жумладан, фуқаронинг, юридик шахснинг ҳамда жамият ва давлат манфаатларини кўзлаб ариза тақдим этган прокурор келишув битими тузиш ваколатига эга эмас. Келишув битими суд мажлисида тарафлар иштирокида кўриб чиқилади. Бундай ҳолларда суд томонидан келишув битимини тасдиқлаш тўғрисида ажрим чиқарилади. Келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги суд ажрими ижро этилмаган тақдирда, тегишли мансабдор шахсларга Кодекснинг 122-моддасида белгиланган тартибда жарима солинади. Бу билан суд ҳужжатлари мансабдор шахслар томонидан ўз вақтида ва оғишмасдан бажарилишига эришилади.

Қонунга мувофиқ маъмурий суд ҳужжатлари ижроси билан боғлиқ қандай ўзгаришлар киритилган?

Маъмурий судларнинг биринчи навбатдаги вазифаси фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг давлат органлари билан муносабатларида қонун устуворлигини таъминлаш билан бир қаторда улар ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишдан иборат. Бу вазифани бажаришда суд ҳужжатларининг ўз вақтида ижро этилиши муҳим аҳамиятга эга. Маъмурий ишлар бўйича суд

ҳужжатларининг нормал ижро этилишига тўсиқ бўлаётган ҳуқуқий коллизия оқибатида кўпгина ҳужжатлар ижро этилмай қолаётгани тарафларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини хавф остида қолдираётган эди. Суд ҳужжатлари ижро этилиши кафолати сифатида "Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисида"ги кодексга маъмурий судлар ваколатини кенгайтирувчи нормалар киритилди. Хусусан, қонуний кучга кирган суд ҳужжати суд томонидан бошқа муқддат белгиланмаган тақдирда, қонуний кучга кирган қундан эътиборан бир ой муқддат ичида маъмурий орган, фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органи, ташкилотлар ва мансабдор шахслар томонидан ижро этилиши лозим.

Маъмурий органлар томонидан суд ҳужжати ижро этилмаган тақдирда, маъмурий суд томонидан тегишли мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваригача, суд ҳужжати такроран ижро этилмаган ҳолларда дастлабки солинган жариманинг ўн баравари миқдорида суд жаримаси солиш ваколати берилди.

Ўзбекистон Республикасининг "Давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича қўшимча чоралар кўрилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонуни билан маъмурий судларга тааллуқли ишлар тоифаси қай даражада кенгайтирилди? Бу фуқаролар ва тадбиркорларга енгиллик яратдими?

Мазкур қонунга мувофиқ, маъмурий судларнинг судловига янги тоифада ҳал этиладиган бир қатор қўйидаги ишлар киритилди.

-иқтисодий суд томонидан берилган ижро ҳужжати бўйича давлат ижрочиси чиқарган қарор устидан низолашишга оид ишлар;

-маъмурий органлар томонидан ундириш сўзсиз тартибда амалга ошириладиган ижро ҳужжати ёки бошқа ҳужжат устидан берилган ариза ва шикоятлар (қарздорлик ундирувини сўзсиз тартибда амалга ошириладиган ижро ҳужжати деганда, маъмурий органлар, жумладан, солиқ органлари томонидан Солиқ кодексининг 90-моддаси, божхона органлари томонидан Божхона кодексининг 351-моддасида назарда тутилган тартибда

қўйиладиган инкассо топшириқномалари тушунилади);

-аризачининг оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар билан бирга маъмурий органдан ёки мансабдор шахсдан ўзига етказилган зарарни ундириш ҳақидаги талабни кўриб чиқиш.

Бундай ҳолларда, зарар миқдори-ни исботлаш мажбурияти ариза-чининг зиммасига юклатилади. Ари-зачи зарарни қоплаш билан боғлиқ ариза (шикоят)ни судга тақдим этишда "Давлат бож тўғрисида"ги Қонуннинг 2-иловасига мувофиқ, талаб суммасининг 2 фоизи миқдо-рида, бироқ БҲМнинг бир бара-варидан кам бўлмаган миқдорда давлат бож тўлаши ҳамда аризада маъмурий органдан ундирилиши сўралган зарар суммасини кўрса-тиши керак. Аризада (шикоятда) қопланиши сўралаётган зарарнинг миқдори кўрсатилмаган тақдир-да БҲМнинг камида 1 баравари миқдорида давлат бож тўланган бўлса, ариза (шикоят) қайтарилмай суднинг иш юритувига қабул қили-нади ҳамда ишни кўриш жараёнида аризачи зарар миқдорига аниқ-лик киритиш чораларини кўриши белгиланди. Шунини таъкидлаб ўтиш лозимки, ҳар қандай ҳолатда ҳам маънавий зарарни қоплаш ҳақида-ги талаб фуқаролик суди судло-виге тааллуқли бўлиб, Фуқаролик кодексининг 1021-1022-моддалари талаби асосида ҳал қилинади. Қайд этилган нормаларнинг қонунчи-ликка киритилишидан кўзланган мақсад ҳам фуқаролар ва тадбир-корларнинг сарсонгарчилигини, ортиқча вақт ва сарф-харажат қилишининг олдини олиб, улар-га қулайлик яратиш билан бир қаторда судда ишларни кўриш ва ҳал этишнинг сифатини ошириш, келгусида тушунмовчиликларнинг олдини олишига хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, суд тизи-мини ислоҳ қилиш мақсадида қабул қилинаётган ҳар қандай янги қонун ҳужжати фуқаролар ва тадбиркор-ларнинг нафақат одил судловга эришиш кафолати сифатида, балки суд қарорлари сўзсиз ижро этили-ши ва суд фаолиятининг халқаро талаблар доирасида такомил-лаштирилишига хизмат қилаётгани амалда намоён бўлмоқда.

С.КУРБАНОВ,
Фарғона туманлараро
маъмурий
судининг раиси.
А.АЪЗАМОВ,
Фарғона туманлараро
маъмурий судининг судья
ёрдамчиси.



АРХИВ ТАРИХ КЎЗГУСИ

Давлат архивида сақланаётган ҳар бир ҳужжатни тарихимиз кўзгуси дейишимиз мумкин. Негаки уларда йиллар ва бир неча йилликлардаги муҳим воқеалар ўз аксини топган. Шунинг учун ҳам архивга топширилган ҳужжатларни кўз қорачиғидай сақлаш муҳим аҳамиятга эга. Бу эса архив ҳодимлари зиммасига катта масъулият юклайди.

“Архив” атамаси латинча “архивум” сўзидан олинган бўлиб, ўзбек тилида “махкама”, “муассаса” деган маънони билдиради. Лекин бу сўз ҳозирги кунда бошқача маънода қўлланилади. Архив деганда биз одатда фақат ҳужжатлар сақланадиган муассасани тушунамиз.

Архивларда турли идоралар, корхоналар, ташкилотлар, шунингдек айрим шахслар фаолияти жараёнида яратилган ва тўпланган материаллар сақланади.

Археологик тадқиқотларнинг гувоҳлик беришича, архив қадимги замонларда ёзув пайдо бўлиши билан бир вақтда вужудга келган. Месопотамия, Миср ва кичик Осиёда ибодатхоналар ва қулдорлар саройларида дастлабги архивлар мавжуд бўлганлиги аниқланди. Бу архивларда ўша даврдаги қонунлар матни, суд


ҳужжатлари, подшоларнинг фармойишлари ва бошқа ҳужжатлар сақланар эди. Ҳозирги кунда жаҳоннинг барча мамлакатларида минглаб архивлар фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг орасида ҳар бир давлатнинг марказий (ёки миллий) архивлари ўзларининг ноёб ҳужжатларга бойлиги билан ажралиб туради. Ўзбекистон архивлари эса бугунги кунда жаҳондаги энг йирик архивлар билан яқиндан алоқа ўрнатганлар. Янги замонда архивларда сақланаётган ҳужжатлар сонининг кескин ошганлиги туфайли уларни сақлаш ва фойдаланиш билан боғлиқ ишлар тобора мураккаблашиб борди. Натижада, ҳужжатларни ҳисобга олиш, уларни бир тизимга солиш ва рўйхатга олишнинг янги усуллари ишлаб чиқилиб ва амалда қўлланилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 сентябрь кунги “Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4818-сон Қарорига асосан суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштиришнинг кейинги босқичдаги вазифаларида суд ҳужжатларини давлат архивларига электрон тартибда топшириш белгиланган.

Бунган кўзланган асосий мақсад фуқароларнинг ортиқча овворагарчилигини олидини олиш, керакли маълумотларни тез ва ишончли олиш ҳамда ҳужжатларнинг узок муддат давомидида сифатли сақланишини таъминлашдан иборат.

Ш.НАСЫРОВ,
Фарғона вилоят маъмурий судининг архив мудир.

Д.АБДУМАНАБОВА,
Фарғона туманлараро маъмурий судининг архив мудир.



АЛДАНГАН МИЖОЗНИ КРЕДИТ ҚАРЗИНИ КИМ ТҮЛАЙДИ?

Даъвогар Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Сирдарё вилояти ҳудудий бошқармаси АТБ "Микрокредитбанк" Сирдарё вилоят филиали Амалиёт бўлими манфаатида судга даъво аризаси билан мурожаат этиб, жавобгар якка тартибдаги тадбиркор Илхомова Дилноза Ахмад қизи (исми шарифи ўзгартирилган), қўшимча жавобгарлар Якубов Рахим Илхом угли ва Абдуназаров Анвар Сайдулла ўғлилардан 33.000.000 сўм кредит қарздорликни муддатидан олдин ундиришликни сўраган.

ФИБ Гулистон туманлараро судининг 2022 йил 14 июндаги ҳал қилув қарори билан даъво ариза қаноатлантирилган. Жавобгар якка тартибдаги тадбиркор Илхомова Дилноза Ахмад қизи, қўшимча жавобгарлар Якубов Рахим Илхом угли ва Абдуназаров Анвар Сайдулла ўғлилардан солидар тартибда банк фойдасига 33.000.000 сўм ундириш белгиланган.

Лекин, жавобгарлар якка тартибдаги тадбиркор Илхомова Дилноза Ахмад қизи, қўшимча жавобгарлар Якубов Рахим Илхом угли ва Абдуназаров Анвар Сайдулла ўғлилар Гулистон шаҳар ИИБга шикоят аризаси билан мурожаат этиб, АТБ Микро кредитбанк Сирдарё вилоят филиали амалиёт бўлимидан 33.000.000 сўм банк маблағини олмаганлигини, аксинча Насиба деган шахс улар номидан пул олинганлигини маълум қилган.

Мазкур шикоят аризаси бўйича зудлик билан Гулистон шаҳар ИИБ томонидан дастлабки суриштирув ишлари олиб борилиб, фуқаро Насиба (исми ўзгартирилган) исмли шахсга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми, 168-моддаси 3 қисми "а, б" бандлари билан жиноят иши қўзғатилган.

Тергов давомида гумонланувчи Насиба фуқаролар номига банкдан кредит олиб, ўз эҳтиёжи учун ишлатиб юборганлиги аниқланган.

13.12.2022 йилдаги Сирдарё вилоят жиноят ишлари бўйича Гулистон шаҳар судининг Ҳукми билан судланувчи Насиба исмли шахс Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми "а, б" бандлари билан

айбли деб топилган. Унга нисбатан ЖКнинг 168-моддаси 3-қисмининг "а, б" бандлари билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 5 (беш) муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Жабрланувчи якка тартибдаги тадбиркор Илхомова Дилноза Ахмад қизига етказилган 33.000.000 сўм зарар судланувчи Насиба исмли шахсдан банк фойдасига қопланишлиги кўрсатилган.

Шунга қўра ФИБ Гулистон туманлараро судига қўшимча жавобгар Абдуназаров Анвар Сайдулла ўғлининг суднинг қарорини янги очилган ҳолат бўйича қайта кўриш ҳақидаги аризаси қаноатлантирилиб, суднинг 05.05.2023 йилдаги янги очилган ҳолат бўйича ажримга асосан суднинг 14.06.2022 йилдаги ҳал қилув қарори бекор қилинган ва ишни қайта кўриб чиқишга тайинланган.

Суд мажлисида даъвогар АТБ "Микрокредитбанк" Сирдарё вилоят филиали Амалиёт бўлими даъво аризаси бўйича ариза билан мурожаат этиб, жиноят ишлари бўйича Гулистон шаҳар судининг ҳукмига биноан кредит қарздорлик ундириш судланувчига юклатилганлиги сабабли мазкур даъво аризасини Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 122-моддаси, 9-бандига асосан кўрмасдан қолдиришликни сўраган.

Суднинг 2023 йил 16 майдаги ажрими билан даъво кўрмасдан қолдирилган.

**Камол НАМАЗОВ,
Фуқаролик ишлари бўйича
Гулистон туманлараро суди раиси.**

ТУНГГИ ТУНАШ

Гулистонлик 29 ёшли Улуғбек айти жамиятга фойдаси тегадиган бир вақтда осон пул топишнинг ноқонуний йўлини танлади. Турмуш қуриб, халол меҳнати билан оқила боқиш эса унга малолдек кўринди. Муқаддам беш маротаба судланиб, жиноят ишлари бўйича Сардоба туман судининг ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 169-моддаси 3-қисми "а" банди ва 25,169-моддаси 3-қисми "а" банди билан Жиноят Кодексининг 59-моддаси тартибида беш йилу, уч ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Чирчиқ шаҳар судининг ажримига кўра, ўталмай қолган уч йилу тўрт ойи озодликдан маҳрум қилиш жазоси Жиноят Кодексининг 74-моддасига асосан шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган бўлишига қарамай Улуғбек яна такроран жиноятга қўл урди. Яъни суд томонидан унга берилган имкондан фойдаланишни хохламади. Оқибатда эса панжара ортига равона бўлди.

Унинг навбатдаги жиноятига тунги вақт жуда қўл келди.

2023 йилнинг 7 июнь кунидан 8 июнь кунига ўтар кечаси хавфли рецидивист бўла туриб, бойлик орттириш ниятида Гулистон шаҳар, Намуна маҳалласидаги савдо дўкони эшигини ўзининг ёнида бўлган отворка ёрдамида бузиб, савдо дўконига ғайриқонуний равишда кириб, кассадаги жами етти миллион тўққиз юз етти минг сўм миқдоридаги пулларини яширин равишда қўлга киритиб, ҳодиса содир бўлган жойдан яширинишга уринди. Яхшиямки, айти вақтида, тунда туновчи йигит Гулистон шаҳарлараро қўриқлаш бўлими ходимлари томонидан ушланиб, унинг ёнидан ўғрланган пуллар ҳамда бир дона торнавида (отвортка) ашёвий далил тариқасида олиб қўйилган ҳамда жиноий мақсадига шу захотиёқ нуқта қўйилган.

Жиноят ишлари бўйича Гулистон шаҳар судининг навбатдаги суд мажлисида сўроқ қилинган Улуғбек айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, туналган савдо дўконининг ёнига келиб, эшигини ўзига тортиб кўрганлигини, эшик очилмаганлигини, сўнгра ёнидаги "отворка" ёрдамида эшик қулфини бузганлигини, кейин савдо дўкони ичига кириб, эшикни тўғрисидаги стол ёнига борганлигини, столни айланиб ўтиб, ички қисмига қараган вақтида, стол тортмасидан 1000, 2000, 5000 сўмлик купюрадаги пулларни олганлигини, кейин иккинчи стол тортмасидан бир пачка 1000 сўмлик пулларни ҳам чўнтагига солиб қўйганлигини, савдо дўкони ички қисмида турган монитор тагидаги тўртбурчак шаклдаги қути эшигини қўлида мавжуд бўлган "отворка" ёрдамида бузиб очганида унинг ичидан 200.000, 20.000 сўмлик купюрадаги пуллар борлигини кўриб, бу пулларни

ҳам чўнтагига солиб қўйганлигини, шундан кейин мазкур савдо дўконидан ташқарига чиқаётганида қўлга тушганини айтиб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, суддан енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди. Лекин аввалги пушаймонлари эсидан чиққан бу йигитга олтинчи имкон берилиши учун асос ҳам топилмади ва суд ҳукм қилди. Яъни суд Улуғбекка янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни лозим топди ва унга Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 25,169-моддаси 3-қисми "а" банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, тўрт йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Шунингдек, мазкур иш бўйича тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосига, жиноят ишлари бўйича Сардоба туман судининг ҳукми билан тайинланиб, жиноят ишлари бўйича Чирчиқ шаҳар судининг ажрими билан алмаштирилиб, бугунги кунда ўталмаган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини қисман қўшиш йўли билан ўташ учун узил-кесил тўрт йил олти ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси берилди. Жазо қаттиқ тартибли колонияларда ўтаттирилиши ҳукмда кўрсатилди. Бу галги жазоси тунда тунасам, яна жиноят қилсам имкон берилади, дея хато ўйлаган Улуғбекка ҳаётдан тўғри хулоса чиқариши учун яхшигина имкон бўлди, дейиш мумкин. Буни энди вақт кўрсатади.

Музаффар ОМОНОВ,
Жиноят ишлари бўйича Гулистон шаҳар
суди судьяси.

САВОЛ: Мен олти ойлик ҳомиладорман ва шу вақтгача хусусий дўконда сотувчи бўлиб ишлаб келяпман. Дўкон эгасидан менга “декрет” беришини сўрамоқчиман. Хусусий дўконда ҳам қонуний тарзда “декрет” олсам бўладими?

**Гулнора СОБИРОВА,
Марғилон шахри.**

ЖАВОБ: Агар сиз қонуний тарзда охириги 6 ойдан бери ушбу дўконда ишлаб келаётган бўлсангиз, бу ҳолда сизга меҳнатга лаёқатсизлик варақаси очилади ва 5 иш кун ичида ундаги маълумотлар ҳудудий амбулатор-поликлиниканинг ёки туғуруқхона муассасасининг масъул ходими томонидан “Тиббиёт” ахборот тизимига киритилади.

Бу эса сизга 4 ойлик нафақа тайинланишини таъминлайди. Нафақа ҳодимнинг фарзанди туғулгунига қадар минимал истеъмол харажатларининг 4 баравари миқдорида тўланади.

Пенсионер I ва II гуруҳ ногиронлик пенсияси тайинланганидан кейин камида 1 йил иш стажига эга бўлса, фуқаронинг аризаси асосида иш стаж ва иш ҳақи инобатга олинган ҳолда пенсия ҳар 2 йилда 1 маротаба қайта ҳисоблаб чиқилади.

Бунда пенсияни қайта ҳисоблаш «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисидаги» Қонуннинг 17-моддасида кўрсатилган ёшга нисбатан талаб қилинган иш стажидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Масалан, Қонуннинг 17 моддасига мувофиқ иш стаж 7 йил бўлган 35 ёшдаги ногиронлиги бўлган шахсга ногиронлик пенсияси тайинланди. Ушбу шахс унга пенсия тайинлангандан сўнг камида 1 йил давомида ишлагандан сўнг ўз пенсиясини қайта ҳисоблаш учун ариза бериш ҳуқуқига эга бўлади.

Биласизми?

Ходим билан тузилган меҳнат шартномасида ходимга меҳнат тўғрисидаги қонунчиликда ва меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилганига нисбатан қўшимча ҳуқуқлар ва кафолатлар назарда тутилиши мумкин.

Аммо, Меҳнат шартномасига ходимнинг ҳуқуқий ҳолатини меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка ва меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан ёмонлаштирувчи шартларни киритиш тақиқланади.

Импорт автомобилларни фақат уларнинг расмий дилерлари томонидан сотилиш талаби бекор қилинди

«Тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш тизими соддалаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ҳукумат қарори (382-сон, 14.08.2023 й) қабул қилинди

Қарорга кўра:

янги импорт автомобиллар фақат юридик шахслар - ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг расмий дилерлари томонидан сотилиши бекор қилинади;

электр энергиясини электр таъминоти шартномасида белгиланган ҳажмлардан (ойлик шартномавий миқдордан) ортиқча истеъмол қилган юридик шахсларга электр энергияси етказиб беришни тўхтатиб қўйиш амалиёти тугатилади;

тадбиркорнинг устав фондини (устав капиталини) камайитириш тўғрисида қарор қабул қилинганда, кредиторларни ёзма равишда хабардор қилиш ва оммавий ахборот воситаларида бу ҳақда эълон бериш талаби бекор қилинади;

солиқ тўловчиларга солиқ органларининг сайёр солиқ текширувлари ва солиқ аудити натижалари бўйича қабул қилган қарорлари устидан тўғридан-тўғри судга шикоят қилиш ҳуқуқи берилади.

ДАЪВО ТАЛАБИНИ ҚАНОАТЛАНТИРИШДАН РАД ҚИЛИШНИ ЛОЗИМ ТОПИЛДИ



Даъвогар С.Ортиқова судга мурожаат қилиб, жавобгар М.Қодировадан мол-мулкларни ва пул маблағини ундириб беришни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро суднинг ҳал қилув қарори билан даъво талаби қаноатлантирилиб жавобгардан даъвогар фойдасига пул маблағлари ва тилла буюмларни ундириш белгиланган.

Жавобгар М.Қодирова суднинг ҳал қилув қарорига нисбатан апелляция шикояти келтириб, ҳал қилув қарорини бекор қилишни ҳамда янги ҳал қилув қарори қабул қилишни сўраган.

Мазкур фуқаролик иши Фарғона вилоят суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанцияси томонидан кўриб чиқилган.

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, даъвогар жавобгарга ўзига тегишли бўлган тилла

буюмлар ва пулларни вақтинча сақлаш учун берган. Даъвогар ушбу пул ва буюмларни ўзининг зарурати учун олиб ишлатиб келган.

Даъвогар ўзига тегишли бўлган пулларни ва тилла тақинчоқларни қайтариб беришни сўраганида жавобгар томонидан ушбу пул ва тақинчоқларни қайтарилганлиги, ўзида мавжуд эмаслиги билдирилган. Шундан сўнг даъвогар ички ишлар бўлимига ариза билан мурожаат қилган. Жавобгар ички ишлар бўлимида берган тушунтириш хатида даъвогар пул, кичкина тилла сирға ва тилла узукни сақлаб туришни илтимос қилганлиги, ушбу тақинчоқларни сақлаш учун олиб қолганлигини, пуллар ва тилла тақинчоқларни тўлиқ қайтариб берганлигини, қарзи қолмаганлиги-

ни билдирган.

Даъвогар судда даъво қўзғаб, жавобгарга сақлаш учун берган пулларни ва тақинчоқларини қайтариб олмаганлигини билдириб, ушбу пулни, тақинчоқларни ундириб беришни сўраган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 234-моддасида мажбурият тушунчаси ва унинг вужудга келиш асослари кўрсатилган бўлиб, унинг 2-қисмига кўра, мажбуриятлар шартномадан, зиён етказиш натижасида ҳамда ушбу Кодексда кўрсатилган бошқа асослардан келиб чиқади деб кўрсатилган.

Биринчи инстанция суди фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар иштирокчилари ҳалол, оқилона ва адолат билан ҳаракат қилиши лозимлиги, тарафларнинг ўртасидаги муносабат фуқаролик ҳуқуқий муносабатлигини, ИИБнинг жиноят ишини қўзғатишни рад этиш ҳақидаги қарори қонуний кучдалигини, тарафларнинг ўртасидаги фуқаролик ҳуқуқий муносабат қайта исботланмаслигини, жавобгар моддий бойликларни олганлиги, бироқ ушбу моддий бойликларни қайтарилганлигини исботлай олмаганлиги важи билан даъво талабини қаноатлантирган.

Апелляция инстанцияси иш ҳужжатларини тўлиқ ўрганиб чиқиб, биринчи инстанция судининг қарори билан келишмаган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 14-моддасига кўра, агар қонун ёки шартномада зарарни камроқ миқдорда тўлаш назарда тутилмаган бўлса, ҳуқуқи бузилган шахс ўзига етказилган зарарнинг тўла қоплалигини талаб қилиши мумкин. Зарар деганда, ҳуқуқи бузилган шахснинг бузилган ҳуқуқини тиклаш учун қилган ёки қилиши лозим бўлган харажатлари, унинг мол-мулки йўқолиши ёки шикастланиши (ҳақиқий зарар), шунингдек бу шахс ўз ҳуқуқлари бузилмаганида одатдаги фуқаролик муомаласи шароитида олиши мумкин бўлган, лекин ололмай қолган даромадлари (бой берилган фойда) тушунилади. Ушбу Кодекснинг 228-моддасига кўра, мулкдор ўз мол-мулкни бошқа шахснинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олишга ҳақли (виндиция).

ИИО ФМБ ҳузуридаги тергов бўлимининг “Жиноят иши қўзғатишни рад қилиш ҳақида”ги Қарорида фуқаро С.Ортиқованинг аризаси юзасидан терговга қадар олиб борилган ишлар натижасида жавобгарнинг тилла тақинчоқларни ҳамда пулларни бермасдан келаётганлиги ҳамда тилла тақинчоқлар ва пулларни С.Ортиқовага қайтариб берилганлик ҳолати ўз тасдиғини топмаганлиги, бу ҳолатни тасдиқловчи бирор бир далил, тилхат, аудиоёзув, видеоёзув, гувоҳлар доираси мавжуд эмаслиги маълум бўлганлиги аниқланган. Шу сабабли келгусида жиноят иши қўзғатиш ва

М.Қодировани жиноят ишида айбланувчи тариқасида жалб қилиш учун етарли далилларнинг мавжуд эмаслиги сабабли жиноят иши қўзғатиш рад қилинган.

Биринчи инстанция суди жавобгар моддий бойликларни олганлигини, бироқ ушбу моддий бойликларни қайтарилганлигини исботлай олмаганлиги ҳақидаги важлар билан даъво талабини қаноатлантириш тўғрисида хулосага келган бўлсада, жавобгар М.Қодирова қарзи борлигини тан олмаганлиги, даъвогарнинг М.Қодировага ҳақиқатан тилла буюмлар ва пул маблағлари берганлигини тасдиқловчи далиллар, тарафлар ўртасидаги келишув мавжуд эмаслиги, даъвогар пул маблағи ва тилла буюмларни талаб қилишдан аввал, ушбу буюмларни жавобгарга берганлигини исботлаши лозимлиги каби ҳолатлар суднинг эътиборидан четда қолган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 236-моддасига кўра, мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонунчилик талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса — иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.

Ушбу Кодекснинг 237-238-моддаларига кўра, мажбуриятни бажаришдан бир томонлама бош тортиш ва шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонунчиликда ёки шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Мажбурият келишилган ва тарафлар учун мақбул усулда бажарилиши шарт. Мажбуриятни бажариш усули, агар бу усул мажбуриятнинг моҳиятидан англашилмаса ва қонунчилик билан белгилаб қўйилган бўлмаса, шартномада кўрсатилган бўлиши керак.

Биринчи инстанция суди юқоридагиларга тўғри ҳуқуқий баҳо бермасдан, даъво аризада кўрсатилган тилла буюмлар ва пул маблағи жавобгарни сақловида мавжуд эмаслигини инобатга олмасдан, даъво талабини қаноатлантириш тўғрисида барвақт хулосага келган.

Тарафлар ўртасида мажбурият муносабатлари вужудга келмаганлиги жавобгар томонидан даъвогарга зарар етказилганлиги ўз тасдиғини топмаганлиги тарафлар ўртасида шартномавий-ҳуқуқий муносабатлар мавжудлигини тасдиқловчи далиллар мавжуд эмаслигини инобатга олиб, апелляция инстанцияси биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилишни, янги ҳал қилув қарори билан даъво талабини қаноатлантиришдан рад қилишни лозим топган.

Н.ЭГАМОВ,
Фарғона вилоят судининг судьяси.

ТАРИХИМИЗДА МУҲИМ ЎРИН ТУТГАН ҚОЗИЛАР

Биламизки, ҳар бир давлат пайдо бўлиши билан бирга ўзининг суд-ҳуқуқ тизимини ҳам бир-галикда шакллантириб борган. Шундай экан, бизнинг давлатчилигимиздаги суд-ҳуқуқ тизими ҳам жуда қадимдан ривожланиб, такомиллашиб бормоқда. Бизнинг Ўзбекистон Республикамиз мустақилликка эришганига унча кўп бўлмаган бўлсада, Ўзбекистон ҳудудидаги судлар узоқ тарихга эга десак бўлади. 2024 йилда Ўзбекистонда суд ташкил этилганига 100 йил тўлади. Албатта, бу ўтган 100 йил ичида бу соҳанинг ривожига жуда кўплаб шахслар ўз ҳиссаларини қўшган. Судларнинг 100 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Суд раисининг тегишли фармойиши қабул қилиниб, бу 100 йиллик юбилейни тантанали равишда нишонлаш мақсадида бир қатор ишлар олиб борилмоқда.

Муқаддам 100 йил аввал Ўзбекистон Республикасида суд ташкил этилган ва ҳозирга қадар ўзининг адолат йўлида янги янги босқичларни эгаллаб келмоқда. Унга қадар эса юртимизда низоларни адолатли ҳал этиш қозилар томонидан амалга оширилган.


“Қози” тушунчаси, дастлаб, Муҳаммад (с.а.в) даврида муомалага киритилган ва кенг қўлланила бошлаган категория ҳисобланади. Атамашунослик нуқтаи назаридан “қози” ва “судья” сўзлари ўзаро чамбарчас боғлиқ синоним тушунчалар сирасига киради. Шунинг учун, кўплаб ҳуқуқшунос ва тарихчи олимлар “қози” тушунчасини турлича талқин этганлар. Қомусий манбаларда эса, “Қози – мусулмон давлатларида ҳукмдор томонидан тайинланиб, шариат асосида суд вазифаларини бажарувчи, судья, шаръий маҳкама раиси”, деб қайд этилган.

Ўрта Осиё хонликлари даврида қозилар ҳозирги суд, прокурор, нотариус вазифасини бажарганлар, яъни фикҳ асосида фуқаролик ишлари, жиноий ишларни кўриб чиққанлар, ҳар қандай битим, шартнома, васиятномаларни тасдиқлаганлар.

Тарихимизда муҳим ўрин тутадиган қозилар кўплаб учрайди. Масалан, Туркистон жадидларининг йўлбошчиси, ўзбек миллий театрининг асосчиси, маърифатпарвар Махмудхўжа Бехбудий дастлаб Самарқанд шахри қозиси бўлган.

Шу ўринда бир қизиқарли маълумотни келтириб ўтсам. Ҳозирги кунда судьяликка тайинланиш учун бир қатор талаблар мавжуд, худди шундай Бухоро амирлигида ҳам қозиликка бир неча талаблар мавжуд бўлган. Унга кўра, мусулмон еркак киши бўлмоқлиги, эркин, вояга етган, оилали, жисмоний камчилиги бўлмаган, фикҳ илмини мукаммал биладиган, ҳаётий тажрибага эга бўлган, бадном фуқаро бўлмаслиги шарт бўлган. Машҳур аллома Садриддин Айнийнинг фикрига кўра, бундай талабларга фақатгина Бухоро мадрасаларида 19 йил давомида билим олган талабаларгина жавоб беришлари мумкин бўлган.

Тарихга назар соладиган бўлсак, қадим Мовароуннаҳр заминидан етишиб чиққан Нажмиддин Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад Насафий (461-537) ҳанафий мазҳабининг йирик намоёндаларидан бири, фикҳ, усул-фикҳ, тафсир, ҳадис, калом, араб тили ва адабиёти бўйича салоҳиятли ва иқтидорли олим



бўлган. У фикҳ илмини машҳур ҳанафий фақиҳ ҳисобланган Абул-Юср Муҳаммад ибн Муҳаммад Паздавийдан олган. Уғли Абул-Лайс Аҳмад Насафийни фақиҳ даражасига етказиб тарбиялаган.

Халқимизнинг қадимий манбаларидан бири “Авесто” китобидаги маълумотларга кўра, қадимда судьялар тайинлаш тартибида эмас, балки оқсоқоллар кенгаши томонидан сайланиш орқали бу вазифани амалга оширган. Демак, бугунги кундаги давлатимиздаги судьяларни сайлаш тартиби тарихий миллий тажрибага асосланганлигини кўрсатади. Бундан келиб чиқадики, ўша даврларда ҳам судьялар турли хил таъсирлардан мустақил бўлганлиги ҳақида хулоса қилиш мумкин.

Юртимизда судлар ташкил этилганлигининг 100 йиллигига атаб мамлакатимизда яшаб ўтган қозилар ва суд тизимига ўз ҳиссасини қўшган судьялар ҳаёт йўллариини ўрганилиши натижасида судларимизнинг тарихи турли хил манбалар билан бойишига хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2023 йил 17 июлда "Ўзбекистон Республикаси ҳисоб палатасининг фаолияти янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим Қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун имзоланди.

Мазкур Қонун билан мамлакатимизда давлат молиявий ресурсларининг самарали бошқарилиши, бюджет маблағларидан мақсадли ва оқилона фойдаланилиши устидан давлат молиявий назорати тизимини такомиллаштириш, шунингдек қонунчилик ҳужжатларининг ижроси самарали ташкил этилишини таъминлаш юзасидан тизимли чоралар кўрилмоқда.



ҲИСОБ ПАЛАТАСИНИНГ ФАОЛИЯТИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

Шу билан бирга ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини ошириш, амалга ошириладиган назорат тадбирларининг мақсадлари ва тартибини белгилаш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг қонунлар ижроси, шу жумладан давлат харидлари соҳасидаги қонунлар ижроси устидан давлат назоратини амалга оширишга доир вазифаларини аниқлаштириш зарурати долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ушбу Қонунда Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасига оз миқдорда талон-торож қилинганлиги ва давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик бузилганлиги, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати органларига эса оз миқдорда талон-торож қилинганлиги учун маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида баённома тузиш ваколатларини бериш назарда тутилмоқда.

Шунингдек «Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг ўз иш режалари, молиявий ҳуқуқбузарликлар ва уларни бартараф этиш натижалари тўғрисидаги маълумотларни ўзининг расмий веб-сайтига жойлаштиришга, шунингдек жамоатчиликни ўз фаолияти ҳақида ҳар чоракда хабардор қилиб боришга доир мажбуриятларини назарда тутувчи ўзгартишлар киритилмоқда.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси томонидан ўтказиладиган назорат тадбирларининг шакллари ва турлари белгилаб қўйилмоқда ҳамда унинг қонунлар ижроси устидан назоратни ташкил этишга доир вазифалари аниқлаштирилмоқда.

Ушбу Қонун Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг фаолиятини такомиллаштиришга ва унинг зиммасига юклатилган вазифаларнинг самарали бажарилишига, шунингдек бюджет тўғрисидаги қонунчилик бузилишларининг олдини олишга ва бюджет интизомини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Шунингдек, Қонун билан ҳисоб палатасини ваколатларига такомиллаштирилиб, ўз ваколатлари доирасида Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ижроси устидан назоратни, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари тўлиқ ҳамда

ўз вақтида бажарилиши устидан назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш соҳасида:

Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ижроси устидан, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари тўлиқ ҳамда ўз вақтида бажарилиши устидан доимий назоратни ўз ваколатлари доирасида амалга оширади ва уларнинг натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритади;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқларида белгиланган ижро муддатларини узайтириш тўғрисидаги таклифлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига хулосалар киритиш қайд этилди.

Қонун билан ҳисоб палатаси тафтиш назорат тадбири билан қамраб олинган даврда назорат объекти томонидан амалга оширилган барча молия-хўжалик операцияларининг қонунийлиги ва асослилигини, уларнинг бухгалтерия ҳисоботларида ҳамда молиявий ҳисоботларда ҳаққоний тарзда ва тўғри акс эттирилишини ҳужжатлар асосида аниқлаш мақсадида ўтказилиши, текшириш назорат объектининг муайян даврдаги айрим ҳаракатларини (операцияларини) ёки фаолиятининг муайян йўналишини назорат қилиш мақсадида ўтказилиши, текшириш камерал ва сайёр турларга бўлиниши, камерал текшириш, қоида тариқасида, Ҳисоб палатаси жойлашган ерда, Ҳисоб палатасида мавжуд бўлган ёки Ҳисоб палатасининг сўровига кўра тақдим этилган маълумотларга ва ҳужжатларга асосан ўтказилиши, сайёр текшириш назорат объекти жойлашган ерда ўтказилади. Урганиш назорат объектининг муайян соҳасини ҳамда фаолиятини статистик, молиявий ва бошқа маълумотлар асосида таҳлил қилиш ҳамда баҳолаш мақсадида амалга оширилиши белгиланди.

Хулоса қиладиган бўлсак, юқоридаги Қонун ва унда кўзда тутилган устувор вазифалар мамлакатимизда давлат молиявий ресурсларининг самарали бошқарилиши, бюджет маблағларидан мақсадли ва оқилона фойдаланилиши устидан давлат молиявий назорати тизимини такомиллаштиришга эришилади.

Ш.АХМЕДЖАНОВА,
Наманган туманлараро маъмурий судининг судьяси.



AYTMAY QO'YDI ONALAR

Oila muqaddas qo'rg'on, o'zbek xalqi azal-azaldan oilani muqaddas sanab, e'zozlab kelgan. Rivoyat qilishlaricha, yer yuzidagi birinchi oila Odam At ova Momo Havodan barpo etilgan. Farzand ota-onaning eng katta quvonchi. Qaysiki oilada qiz farzand dunyoga kelsa, xonadoniga farzand bilan birga qut-baraka kirib kelar ekan. Farzand oilada voyaga yetadi. Tarbiyani onadan oladi. Farzand tarbiyasi eng dolzarb va muhim masaladir.

Go'dak ona qornidayoq dastlabki dunyoni uning sevgilari orqali qabul qiladi. U birinchi so'zni onadan o'rganadi. Inson ona allasi orqali tovush seyrini, mehr kuchini farqlaydigan bo'ladi. Ona allasi faatgina chaqaloqni orom olishi uchun aytilmaydi, ona allaga orzu niyatlarini, dard-u xasratlarini, quvonch-u shodliklarini qo'shib kuylaydi. Allada o'zagacha sehr bor. Allada ohang bor, joziba bor. Shu o'rinda savol tug'iladi. Bugungi kunda biz tarbiyalayotgan qizlar qanday tarbiya topmoqda? Ularga milliy va ma'naviy ruhni qanchalik singdiryapmiz? Biz farzandlarimizga alla sehri orqali insoniy tuyg'ularni singdira oldikmi? Yosh oilalarda alla sadosi jaranglayaptimi? Endigina ona bo'lgan qizlarimiz onalik burchini qay darajada ado etyapti? Bu savollarga javob biroz mushkul. Afsuski onalar kamdan-kam hollarda farzandlariga alla aytishyapti. Beshikda yotgan chaqaloqning tana a'zolari to'g'ri va mukammal shakllanadi. Hozirda onalar maxsus tagliklarga ishonib, bolani beshikda katta qilmayapti. Alla o'rniga zamonaviy musiqalar bolalar qulog'iga eshitilyapti.

Biz doimo milliy urf-odatlarimizni, an'ana va



**H. TILLABOIEVA,
59-DMT direktori.**

qadriyatlarimizni e'zozlab kelgan xalqmiz. Shu bois farzand tarbiyasiga alohida e'tibor beraylik. Ana shunda o'z allamiz bilan farzandlarimiz qalbiga ezigulik urug'ini eka olgan bo'lamiz.

Qiz o'stirayotgan onalar, o'ylab ko'ringchi, balog'atga yetayotgan qizingizni qay darajada oilaga tayyorlayapsiz? Qizingizni yoningizga olib, birgalikda alla aytganmisiz? Alla so'zlarini qizingiz qay darajada biladi? Agar qizingiz bilmasa, shoshiling unga eng tarbiyali, ibratli bo'lgan alla qo'shig'ini o'rgating. Qizingiz bilan dunyo tashvishlarini bir chetga surib, bir dildan suhbatlashing, u bilan nafaqat ona balki dugona bo'lib ko'ring. Siz hozir o'rgatgan alla qo'shig'ingiz qizingiz ongida bir umrga "Onamning allasi" bo'lib muhrlanib qoladi. Qizingiz o'z onasini qay darajada oqila, mukammal ayol bo'lganligini anglab yetsin va sizdek yetuk komil ona bo'lishga intilsin. Doimo xonadonlarimizda alla qo'shig'i jaranglab tursin!

ОНАЛИК ВА БОЛАЛИКНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони билан репродуктив ёшдаги ва ҳомиладор аёллар, болалар учун юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, перинатал марказларни зарур тиббий техника ва буюмлар билан жиҳозлаш, уларни малакали кадрлар билан таъминлаш вазифаси белгиланди.



Сўнгги беш йил давомида амалга оширилаётган ижтимоий сиёсат оналик ва болаликни тизимли равишда муҳофаза қилиш имконини яратди, натижада оналар ва ўдаклар ўлимнинг камайишига эришилди.

Келажак авлод ҳақида қайғуриш, соғлом баркамол насли тарбиялаб етиштиришга интилиш бизнинг миллий хусусиятимиздир. Бу муқаддас заминда яшаётган ҳар қайси инсон ўз фарзандларининг бахт-у саодати, фазл-у камолини кўриш учун бутун ҳаёти давомида курашади, меҳнат қилади, ўзини аямайди. “Бола дунёга келган кундан бошлаб оила муҳитида яшайди. Оилага хос аъёнлар, қадриятлар, урф одатлар бола зуваласини шакллантиради. Мустақил Республикамиз Конституциясида оилавий муносабатларга оид махсус боб ажратилган. Унда ўзбек оиласи ва

муносабатларига доир барча масалалар тўлалигича ҳамда асосли ҳуқуқий ҳимояни ўзида мужассам этган. Қомусимизда ўзбек оиласининг шаклланишидан бошлаб, томонларнинг тенг ҳуқуқлилиги, уларнинг тузилишидаги эркин розиликлари, ота – оналар томонидан болаларнинг таъминоти ва тарбияси, фарзандлар томонидан ота - оналарга бўлган ғамхўрликларини кўрсатишимиз каби масалалар ўз ифодасини топган. Фарзандларга оилавий суҳбат даврида ўз “ҳуқуқ” ва “ғурур” лар хусусида маънавий суҳбатлар олиб борилса нур устига аёло нур бўлади деб ўйлаймиз. Оиланинг жамиятдаги ўрни жуда муҳимдир. Ватан тупроғи оиладан бошланади.

Болалик, ўсмирлик, балоғат сари боришда ибратли давондан ўтишларида фарзандларимизга тўғри йўлни кўрсатувчи бир маёқ бўлайлик.



AHOLINI RO'YXATGA OLISH

BOSQICHLARI HAMDA DAVLAT VA XO'JALIK BOSHQARUVI ORGANLARI ISHTIROKI

Aholini ro'yxatga olishga tayyorgarlik ko'rish va o'tkazish ishlari keng qamrovli tadbir bo'lib, ketma-ket hamda bir vaqtning o'zida tegishli tadbirlarni amalga oshirish mumkin bo'lgan uch bosqichlarni o'z ichiga oladi:

Birinchi bosqichda (3 yilgacha bo'lgan muddat) quyidagi ishlar amalga oshiriladi:

aholini ro'yxatga olish tadbirini o'tkazishni tashkil etish, o'tkazish tamoyillari, uslubiy asoslari va moliyalashtirish manbalarini aniqlash masalalarini tartibga soluvchi normativ-huquqiy hujjatlar tayyorlanadi;

aholini ro'yxatga olish tadbiri dasturini, aholini ro'yxatga olishni o'tkazish, uning natijalarini olish va e'lon qilishni tashkil etish uslubiyati ishlab chiqiladi;

aholini sinov asosida ro'yxatga olish tadbiriga tayyorgarlik ko'rish va o'tkazishni tashkil etish, uning natijalarini tahlil qilish ishlari olib boriladi;

har bir ro'yxatga oluvchilarni o'z hududi bo'yicha xaritalar bilan ta'minlanadi;

aholi punktlaridagi uylarning ro'yxatini tuzish va aholini ro'yxatga olish tadbirini o'tkazishning tashkiliy rejasi tuziladi;

har bir xonadon raqamlanishi va ko'chalar nomlanishini amalga oshiriladi;

zamonaviy xaritalash texnologiyalaridan foydalangan holda aholini ro'yxatga olish tadbiriga tayyorgarlik ko'rish, uning o'tkazilishini nazorat qilish, yakuniy natijalarni olish va taqdim etishning avtomatlashtirilgan tizimini yaratish orqali tadbir monitoring qilib boriladi;

aholiga aholini ro'yxatga olishning maqsadi va vazifalari axborot-tushuntirish ishlari orqali tanishtiriladi;

ro'yxatga olish varaqalari va boshqa hujjatlar chop etilib, joylardagi mutaxassislarga etkaziladi;

ro'yxatga olish uchastkalarini bino, transport va aloqa vositalari bilan ta'minlash ishlari tashkil etiladi;

ro'yxatga olish tadbirida ishtirok

etuvchi vaqtinchalik xodimlar o'qitilib, ular zaruriy vositalar bilan ta'minlanadi;

aholini ro'yxatga olish tadbiriga tayyorgarlik ko'rish bilan bog'liq boshqa ishlar olib boriladi.

Ikkinchi bosqichda (10 kundan 60 kungacha bo'lgan davr) bevosita aholini ro'yxatga olish tadbirini o'tkazish ishlari amalga oshiriladi, ya'ni aholi to'g'risidagi ma'lumotlar yig'iladi, nazorat tekshiruvi o'tkaziladi va aholini ro'yxatga olish tadbiri materiallari qayta ishlash uchun ixtisoslashgan tuzilmalarga taqdim etiladi.

Uchinchi bosqichda (2 yildan 3 yilgacha bo'lgan davr) quyidagilar amalga oshiriladi:

aholini ro'yxatga olish tadbirining birlamchi materiallari ma'lumotlarni qayta ishlash bo'yicha ixtisoslashgan tuzilmalar tomonidan qabul qilib olinadi;

aholini ro'yxatga olish tadbiri materiallarini avtomatlashtirilgan tizimda qayta ishlashga tayyorlanadi;

birlamchi ma'lumotlarni kiritish, kodlashtirish, nazorat va tahrir

qilish ishlari amalga oshiriladi;
aholini ro'yxatga olish bo'yicha dastlabki natijalar olinadi;
aholini ro'yxatga olish tadbiri natijalarini e'lon qilish va ularni tarqatish ishlari amalga oshiriladi.

Aholini ro'yxatga olish bo'yicha vakolatli organ – O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Statistika Agentligi hisoblanib, ular quyidagi muhim vazifalarni amalga oshiradilar:

a) muhim ilmiy va oliy ta'lim muassasalari ishtirokida aholini ro'yxatga olish tadbirini o'tkazish bo'yicha ilmiy-uslubiy va qo'llanma materiallarni tayyorlaydi;

b) har bir aholi punktida aholini ro'yxatga olish ishlarini muvofiqlashtiruvchi ro'yxatga olish uchastkalari mudirlarining, davlat statistika organlari xodimlari tarkibidan supervayzerlar (nazoratchi instruktorlar)ning tayinlanishini ta'minlaydi;

v) joylardagi tuman (shahar) hokimliklari bilan birgalikda, ro'yxatga oluvchi xodimlarni o'qitishni, shuningdek, ro'yxatga olish varaqalarini sinov ko'rinishida to'ldirish bo'yicha amaliy mashg'ulotlarni, keyinchalik xatoliklarni tahlil qilish va yuzaga kelgan qiyinchiliklarni tushuntirish orqali o'tkazilishini (o'qitish ishlari o'qitilayotgan xodimlarning o'rganilayotgan materialni to'g'ri o'zlashtirganliklari va ro'yxatga olish ishlariga tayyor ekanliklarini sinovdan o'tkazgandan so'ng yakunlanadi) amalga oshiradi;

g) O'zbekiston Respublikasi Axborot texnologiyalari va kommunikatsiyalarini rivojlantirish vazirligi bilan birgalikda:

ro'yxatga olish natijalarini qayta ishlash bo'yicha moddiy-texnik vositalarni sotib olish, server uskunalari, ro'yxatga olish varaqalarini mashinada o'qishni ta'minlovchi skanerlar va boshqa ofis texnikalari bilan ta'minlash bo'yicha tenderlar tashkil etish va o'tkazilishini ta'minlaydi;

aholini ro'yxatga olish varaqalari ma'lumotlarini kiritish va qayta ishlash bo'yicha avtomatlashtirilgan tizim yaratadi;

aholini ro'yxatga olish tadbirlari natijalarini olish bo'yicha dasturiy

vositalarni ishlab chiqadi;

d) O'zbekiston Milliy axborot agentligi, O'zbekiston Milliy teleradiokompaniyasi, Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentliklari bilan birgalikda, aholini ro'yxatga olish tadbiri o'tkazilishi haqida aholini xabardor qilish, ro'yxatga olish tadbirlarida faol ishtirok etish bo'yicha aholi o'rtasida targ'ibot ishlarini olib borish, reklama roliklari, shiorlar chiqarish va boshqa shu kabi tadbirlarni amalga oshirish bo'yicha ishlarni muvofiqlashtiradi.

Bu tadbirga nafaqat statistika organlari xodimlari, balki respublikaning boshqa davlat va xo'jalik boshqaruvi organlari ham aholini ro'yxatga olish ishlarida bevosita ishtirok etadilar.

Jumladan: O'zbekiston Respublikasi Yer resurslari, geodeziya, kartografiya va davlat kadastri bo'yicha davlat qo'mitasi aholini ro'yxatga olish tadbirini o'tkazish uchun zarur bo'lgan miqdorda kartografik materiallarning (shahar va qishloq aholi punktlarining sxematik rejasi, ma'muriy tumanlar xaritasi) tayyorlanishini ta'minlaydi.

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi "O'zarxiv" agentligi aholini ro'yxatga olish varaqalarini va boshqa hujjatlarni saqlash bo'yicha ishlarni muvofiqlashtiradi, shuningdek, aholini ro'yxatga olishning yig'ma hujjatlarini qayta ishlangandan so'ng doimiy saqlanishini yuritadi.

O'zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi quyidagilarni amalga oshiradi:

aholini ro'yxatga olishga jalb etilgan shaxslarning to'liq xavfsizligi va ro'yxatga olish materiallarining saqlanishini ta'minlaydi;

ro'yxatga olishni o'tkazish davrida aholini ro'yxatga olish organlarining binolari va yuklarini qo'riqlashni amalga oshiradi;

aholini ro'yxatga olish organlari bilan birgalikda, ro'yxatga olishni o'tkazish uchun zarur ma'lumotlarni berishdan bosh tortgan yoki korxona va tashkilot hududiga kiritishga to'sqinlik qilgan shaxslarga nisbatan

ma'muriy ta'sir choralari ko'rishi mumkin.

Bundan tashqari, Qoraqalpog'iston Respublikasi Vazirlar Kengashi, viloyatlar va Toshkent shahar hokimliklari, tumanlar (shaharlar) hokimliklari zimmalariga ham bir qator vazifalar yuklatilgan bo'lib, ular quyidagilarni amalga oshiradilar:

ro'yxatga olish tadbiriga jalb etilgan shaxslarning o'qishi va ishlashi uchun yaroqli bo'lgan mebellar va aloqa vositalari bilan jihozlangan vaqtinchalik binolar hamda aholini ro'yxatga olish varaqalari va boshqa hujjatlarni vaqtinchalik saqlash uchun qo'riqlanadigan binolar ajratadi;

aholini ro'yxatga olish uchastkalarini zarur transport va aloqa vositalari bilan ta'minlaydi;

davlat kadastri va davlat statistika organlari bilan birgalikda, doimiy yashovchi aholi sonini ko'rsatgan holda aholi punktlarining to'liq ro'yxatini tuzadilar.

Aholini ro'yxatga olish tadbiriga tayyorgarlik ko'rish va o'tkazish bo'yicha alohida ishlar jalb etilgan pudrat tashkilotlari tomonidan mahsulotlar va xizmatlar sotib olish bo'yicha o'tkazilgan tanlov asosida bajariladi, ya'ni: aholi o'rtasida axborot-tushuntirish ishlarini o'tkazish; kartografik materiallarni chop etish; ro'yxatga olish materiallarini chop etish; moddiy-texnik ta'minlash; ro'yxatga olish materiallarini tashish; texnologik-loyiha ishlarini o'tkazish va dasturiy ta'minotni ishlab chiqish; ro'yxatga olish varaqalari ma'lumotlarini kiritish, avtomatlashtirilgan holda qayta ishlash va boshqalar.

Aholini ro'yxatga olish tadbiriga tayyorgarlik ko'rish va o'tkazishga ko'maklashish uchun zarur hollarda qo'shimcha ravishda boshqa vazirliklar, idoralar, tashkilotlar, yuridik va jismoniy shaxslar jalb etilishi mumkin.

**Boburjon AHADJONOV,
Farg'ona viloyati statistika
boshqarmasining "Ro'yxatga
olish jkarayonlarini tashkil
etish va uni o'tkazish" bo'limi
bosh mutaxassisi.**



НИКОХ ТУЗИШ ТАРТИБИ

Ўзбекистонда никоҳ ёши эркаклар ва аёллар учун 18 ёш этиб белгиланади.

Никоҳ тузишни хоҳловчи шахслар бу тўғрида ариза билан муурожаат этган кундан кейин бир ой ўтгач улардан бирининг яшаш жойидаги ФХДЁ органи томонидан қайд этилади.

Узрли сабаблар бўлганда аризачиларнинг илтимосларига кўра бир ойлик муддатни қисқартириши мумкин. Бунда узрли сабабларни тасдиқловчи — болаларининг туғилганлиги ҳақидаги гувоҳномалари, тиббиёт муассасасининг келиннинг ҳомиладорлиги ҳақидаги маълумотномаси, хизмат сафари тўғрисидаги гувоҳнома ва шу каби ҳужжатлар кўрсатилади.

ФХДЁ органлари томонидан аризани қабул қилишда тиббий кўрикдан ўтиш учун йўлланма берилади. Никоҳланувчилар ўзлари доимий ёки вақтинча яшайдиган ҳудуддаги поликлиникада тиббий кўрикдан ўтиб, унинг ҳулосала-

рини ФХДЁга тақдим этишлари керак. 50 ёшгача никоҳ тузувчи шахслар ОИВ-инфекцияси юзасидан тиббий текширувдан мажбурлан ўтиши керак.

Никоҳланувчи шахсларнинг илтимоси ва отаси ёки онасининг ёзма аризасига кўра никоҳ ота-онасининг ёки улардан бирининг яшаш жойидаги ФХДЁ органида ҳам қайд қилиниши мумкин.

Никоҳ тузилгандан кейин бу ҳақида ягона нусхада гувоҳнома берилади ва эр ва хотиннинг паспортларига штамп қўйилди унга тегишли ёзувлар ёзиб қўйилади.

Жазони ижро этиш муассасаларида жазони ўтаётган шахслар билан никоҳни қайд этиш шу муассаса жойлашган ҳудуддаги ФХДЁ органлари томонидан амалга оширилади.

Маҳкум билан никоҳни қайд этиш ФХДЁ органи билан кели-

шилган ҳолда жазони ижро этиш муассасаси маъмурияти томонидан ажратилган бинода никоҳга кирувчи шахсларнинг иштирокида амалга оширилади. Маҳкум билан никоҳга кирувчи шахсга ФХДЁ органи томонидан никоҳ қайд этилганлиги ҳақида гувоҳнома берилади.

Хориж фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс билан никоҳ тузиш эса қўйлаги тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси ФХДЁ органларида Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар билан никоҳини қайд этиш ҳамда чет эл фуқаролари ўртасидаги никоҳни қайд этиш умумий асосларда амалга оширилади.

Ўзбекистон фуқароси ва чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар ўртасидаги

никоҳни қайд этиш агар чет эл фуқаросининг ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг Ўзбекистон Республикасида бўлиш визиси никоҳ тузиладиган кунда ҳақиқий бўлсагина амалга оширилади.

Бунда чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг никоҳга кириш ҳақидаги ариза-сига унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ҳамда чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг никоҳда турмаслиги ҳақидаги белгиланган тартибда легализация қилинган ёки апостиль қўйилган ҳужжат (давлат тилидаги таржимаси билан бирга) илова қилиниши лозим.

Ўзбекистон фуқароси билан никоҳга кирган чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатига никоҳ қайд этилганлиги тўғрисида белги қўйилади, агар шахсини тасдиқловчи ҳужжатда бундай белги қўйиш учун жой мавжуд бўлса.

ФХДЁ органи томонидан никоҳ қайд этилгандан кейин Ўзбекистон Республикаси фуқароси билан никоҳга кирган шахс фуқароси бўлган хорижий давлатнинг тегишли органига никоҳ тузилганлиги тўғрисидаги хабарнома юборилади.

Никоҳни қайд этганлик учун никоҳланувчиларнинг давлат божи ундирилади.

Никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳ тузиш яъни (18 ёш)га етмаганлар ҳам никоҳ тузиши мумкин. Узрли сабаблар бўлганида, алоҳида ҳолларда, яъни аёлнинг ҳомиладорлиги, бола туғилиши, вояга етмаган шахснинг тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиниши, никоҳга киришни хоҳловчиларнинг илтимосига кўра никоҳ давлат рўйхатидан ўтказиладиган жойдаги туман, шаҳар ҳокими никоҳ ёшини кўпи билан бир йилга камайтириши мумкин.

Никоҳ шартномаси нима ва у қандай тузилади?

Эр ва хотиннинг никоҳда бўлган даврида ҳамда эр ва хотин никоҳдан ажратилган тақдирда уларнинг мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш

мақсадида никоҳ шартномаси тузилиши мумкин. Никоҳ шартномаси никоҳ давлат рўйхатига олингунга қадар бўлажак эр ва хотинлар ўртасида, шунингдек, эр-хотин ўртасида никоҳ даврида ҳам тузилиши мумкин.

Бўлажак эр ва хотинлар ўртасида тузилган никоҳ шартномаси қайд этилган кундан эътиборан кучга киради. Никоҳ шартномаси ёзма шаклда тузилиб, албатта, нотариал тартибда тасдиқланиши лозим.

Никоҳ шартномаси никоҳ тузилган кунда мавжуд бўлган мол-мулкка нисбатан ҳам, келгусида орттириладиган мол-мулкка нисбатан ҳам тузилиши мумкин.

Бундан ташқари, никоҳ шартномасида эр ва хотин ўзаро моддий таъминот бериш, оила харажатларини биргаликда қўтариш, бир-бирининг даромадида иштирок этиш, бошқа шахслар билан мулкӣ шартномалар тузиш, биргаликда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб олиш, никоҳдан ажралганда эр ва хотиндан ҳар бирига бериладиган мулкни аниқлаб олиш, шунингдек, мулкӣ муносабатларига оид бошқа қоидаларни киритишга ҳақли.

Никоҳ шартномасида белгилаб қўйилган эр ва хотиннинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари муайян муддат билан чекланиши ёки муайян шарт-шароитнинг юзага келиши ёхуд келмаслигига боғлиқ қилиб ҳам қўйилиши мумкин. Никоҳ шартномасида оила қонун ҳужжатлари нормаларига зид келувчи, эр ёки хотиндан бирининг ҳуқуқларини чекловчи, болаларга нисбатан бўлган эр ва хотиннинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солишни, эр ва хотин ўртасидаги шахсий номулкӣ муносабатларни тартибга солишни, эр ва хотиндан бирини ўта ноқулай ҳолатга солиб қўювчи бошқа шартларни назарда тутиш мумкин эмас. Никоҳ шартномаси ни бажаришдан бир томонлама бош тортишга йўл қўйилмайди. Эр-хотиндан бирининг талаби билан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига белгиланган тартибда ва асосларда

суднинг ҳал қилув қарори билан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

Никоҳ шартномасининг амал қилиниши никоҳ тугатилган пайтдан эътиборан тугайди, аммо никоҳ шартномасида никоҳ тугатилгандан кейинги давр учун назарда тутилган мажбуриятлар ўз кучини йўқотмайди. Никоҳ шартномаси қонунда белгиланган асослар мавжуд бўлган тақдирда суд томонидан эр-хотиндан бирининг талаби бўйича тўлиқ ёки қисман ҳақиқӣ эмас деб топилиши мумкин.

Эр-хотин никоҳ шартномаси тузаётгани, уни ўзгартираётгани ёки бекор қилаётгани тўғрисида ўз кредиторини хабардор қилишлари шарт. Кредитор шароит жиддий ўзгаргани туфайли никоҳ шартномасининг шартлари қонунда белгиланган тартибда ўзгартириш ёки бекор қилишни талаб қилишга ҳақли.

Никоҳни бекор қилишумумий қоидага кўра ФХДЁ органлари ва суд орқали бекор қилиниши мумкин.

Фарзанди бўлмаган ёки вояга етмаган болалари бўлмаган эр-хотин никоҳдан ажратишга ўзаро рози бўлсалар, улар никоҳдан ФХДЁ орқали ажратилиши мумкин.

Агар эр-хотиндан бири: суд томонидан бедарак йўқолган деб топилган бўлса;

суд томонидан руҳияти бузилиши (руҳӣ касаллиги ёки ақли заифлиги) сабабли муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса;

жиноят содир қилиб уч йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинган бўлса, ўртада вояга етмаган болалари борлигидан қатъи назар, эр-хотиндан бирининг аризасига кўра улар ФХДЁ бўлимида никоҳдан ажратилади.

Никоҳ вояга етмаган болалари бўлмаган эр-хотинларнинг ўзаро розилиги бўйича ФХДЁ бўлимида бекор қилинса эр-хотинларнинг биридан ёки иккаласидан давлат божи ундирилади.

**Ойдин ИСМАИЛОВА,
Фарғона шаҳар 2-сон ФХДЁ
бўлими мудираси.**

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ УСУЛЛАРИ

Коррупция — бу жамиятни турли йўллар билан исканжага оладиган даҳшатли иллатдир. Мазкур иллат демократия ва ҳуқуқ устуворлиги асосларига путур етказди, инсон ҳуқуқлари бузилишига олиб келади, бозорлар фаолиятига тўсқинлик қилади, ҳаёт сифатини ёмонлаштиради ва одамлар хавфсизлигига таҳдид соладиган уюшган жиноятчилик, терроризм ва бошқа ҳодисалар илдиз отиб, гуллаши учун шароит яратиб беради.



Таъкидлаб ўтиш ўринлики, ушбу зарарли ҳодиса катта ва кичик, бадавлат ва камбағал бўлишидан қатъий назар, барча мамлакатларда учрай-

ди. Ушбу зарарли иллатни бартараф этиш бўйича жаҳон ҳамжамияти томонидан бир қатор самарали ишлар амалга оширилаётган бўлсада, ҳанузгача у бартараф этилмаяпти.

Кўп ҳолларда бу атама сиёсий элитадаги бюрократик аппаратга қарата ишлатилади. Коррупция кўплаб давлатларнинг жиноят ва маъмурий қонунчилиги билан ҳуқуққа

қарши ҳаракат сифатида таъкиб қилинади.

Макроиқтисодий ва сиёсий-иқтисодий тадқиқотлар, коррупция — давлатларнинг иқтисодий ўсиши ва ривожланишига улкан тўсиқ эканлигини кўрсатди. И. А. Каримов ўзининг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асарида коррупциянинг Ўзбекистоннинг ривожланишига улкан тўсиқ бўлиши мумкинлигини баён қилган эди.

Коррупциянинг тарихий ўзаклари жуда жуда қадимга бориб тақалиб, бу ҳол қабилада маълум мавқега эга бўлиш учун қабила сардорларига совғалар бериш одатидан келиб чиққан деб тахмин қилинади. Ўша даврларда бу нормал ҳолат сифатида қабул қилинган. Бироқ давлат аппаратининг мураккаблашуви ва марказийлашуви коррупциянинг давлат ривожланишига катта тўсиқ эканлигини кўрсатди. Коррупцияга қарши курашган биринчи давлат сифатида қадимги Шумер давлати тан олинади. Қадимги давлатларни айниқса ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг порахўрлиги қаттиқ ташвишга солганлиги бизгача сақланиб қолган манбалардан маълум. Чунки бу ҳолат давлатнинг обрўсига жуда қаттиқ путур етказарди. Дунёнинг етакчи динларида ҳам биринчи навбатда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг порахўрлиги қаттиқ қораланади.

Жумаладан, Инжилда “Совғаларни қабул қилма, чунки совға кўрни кўрадиган қилади ва ҳақиқатни ўзгартиради” дейилган бўлса, Қуърони Каримда “Бошқаларнинг мулкани ноҳақ йўл билан олмангиз ва бошқаларга тегишли бўлган нарсаларни

олиш учун ўз мулкингиздан ҳокимларингизга пора қилиб узатмангизлар” дейилган.

XVIII асрнинг иккинчи ярмига келиб жамият давлат бошқарув аппаратининг иш сифатига тобора кўпроқ таъсир кўрсата бошлади. Бу ўша даврда қабул қилинган бир қатор қонун ҳужжатларида ўз аксини топган. Жумладан, 1787 йилда қабул қилинган АҚШ Конституциясида пора олиш АҚШ президентини импечментга тортиш мумкин бўлган икки жиноятнинг бири сифатида кўрсатиб ўтилган. Сиёсий партияларнинг вужудга келиши ва уларнинг мамлакат ҳаётидаги ўрнининг ошиб бориши XIX-XX асрларда ривожланган давлатларда коррупциянинг дунёнинг бошқа мамлакатларига нисбатан анча камайишига олиб келди.

Ушбу иллатни тадқиқ қилган бир қатор йирик мутахассислар қуйидаги факторларни коррупцияни юзага келтирувчи омиллар сифатида кўрсатади.

Икки хил маънони англатувчи қонунлар — ушбу вазият ҳуқуқни қўлловчи мансабдор шахс томонидан қонунларни турлича қўллаш имконини яратади. Шунингдек, айрим мутахассислар жиноят, маъмурий қонунчиликдаги “вилка” санкцияларни ҳам коррупцияга қулай шароит яратиши мумкинлиги ҳақида фикр юртишган. Яъни, санкциянинг аниқ миқдори йўқлиги судьяда уни ўз ҳоҳишига қараб қўллашга шароит яратиб беради.

Аҳоли ҳуқуқий саводхонлигининг пастлиги — аҳоли томонидан қонунларни билмаслик ёки тушунмаслик мансабдор шахсга ўзининг шахсий манфаати йўлида қонунлардан фойданишга қулай шароит яратади.

Мамлакатдаги сиёсий вазиятнинг нотинчлиги — мамла-

катдаги нотинчлик биринчи навбатда аҳоли онгида ҳаётда юксак турмуш даражасига эришишнинг асосий усули қонунга хилоф фаолият билан боғлиқ, деган мутлақо ахлоққа зид нуқтаи назар шаклланишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида коррупцияга қулай шароит яратади.

Ижро ҳокимиятининг бирлиги тамойилинининг бузилиши — айнан битта фаолиятнинг турли инстанциялар томонидан тартибга солиниши:

аҳолининг давлатни назорат қилишдаги сушт иштироки;

давлат секторидаги хизмат қилаётган хизматчилар даромадларининг хусусий секторда топиш мумкин бўлган даромадлардан камлиги;

иқтисодиётнинг давлат томонидан тартибга солиниши; инфляциянинг юқори даражаси;

мамлакат юқори бошқарув органларининг аҳолидан узилиб қолганлиги;

мамлакатдаги диний ва ахлоқ қоидалари.

Жаҳон мамлакатларида коррупцияга қарши курашнинг қуйидаги усуллари мавжуд.

Ички назорат —бу усул бошқарув аппаратининг ўзида назоратни кучайтирувчи тузилмалар (ҳар хил ички инспекциялар ва бошқа назорат органлари тузиш орқали) яратишни тақазо этади. Бу тузилманинг асосий вазифаси ходимларнинг ички этикет қоидаларига риоя қилишини назорат қилишдир. Ҳозирги кунда бизнинг юртимизда ҳам бир қатор ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида айнан шу вазифани бажарувчи ички тузилмалар яратилган.

**Сардор ИМИНБОЕВ,
Марғилон шаҳар юридик
хизмат кўрсатиш маркази
бош юристконсулти,
3-даражали юрист.**



**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ СУДИНИНГ
100 ЙИЛЛИГИГА**

ҚАТАҒОН ЙИЛЛАРИДАГИ ЗЎРАВОНЛИК

**ЁХУД НОХАҚЛИК ҚУРБОНИГА АЙЛАНГАН
СУД РАИСИ САЪДУЛЛА ҚОСИМОВ
ҲАЁТИГА БИР НАЗАР**



Саъдулла Қосимов 1901 йил Тошкент шаҳрида дунёга келган. 1909 йилдан машҳур муаллим Эшонхўжа Хонийнинг янги усулдаги “Хония” бошланғич мактабида, 1916 йилгача Мунаввар қори Абдурашидхоновнинг русдий “Намуна” мактабида ўқиган. Айни пайтда рус-тузем мактабида ўқиб рус тили ва замонавий фанларни ҳам ўзлаштирган. 1918–1920 йилларда “Ўзбек педагогика билим юрти”да таҳсил олган. 1919 йил декабрь ойигача ўқитувчи бўлиб фаолият олиб борган. 1919 йил апрель ойида Мунаввар қорининг тавсияси билан большевиклар фирқасига кирган. Сўнг Туркфронт сиёсий бўлимига сафарбар этилиб, 1919 йил охиригача Туркфронтнинг мактаб ишлари бўйича инструктори бўлиб ишлаган. 1920–1921 йиллар ҳарбий хизматда бўлган. Ҳарбий хизматдан қайтгач, 1922 йил Эски шаҳар ижроия қўмитасида маориф бўлими раисининг ўринбосари вазифасида ишлаган. Саъдулла Қосимов 1923 йилда суд бошқарув тизимида ислохотлар ўтказиш даврида кекса тажрибали қозилар билан бирга тергов-тафтиш ишларини олиб боради. У ислом ҳуқуқи ва замонавий ҳуқуқ тизимини чуқур таҳлил асосида ўрганади. Бу эса унинг кейинги фаолиятида катта мактаб бўлди.

Саъдулла Қосимов 1923 йилдан Тошкент вилоят суди аъзоси, 1924 йил декабрдан вилоят суд раиси ўринбосари ва 1925 йил мартдан

Тошкент вилоят суди раиси бўлди. У 25 ёшида 1925 йил декабрдан ЎзССР МИК Президиумининг қарори асосида ЎзССР Олий суди раиси бўлиб иш бошлади.

Саъдулла Қосимов ўта ғайратли инсон, ҳуқуқшунос сифатида ҳақиқий истеъдод соҳиби эди. 1925–1929 йиллар ЎзССР Олий суди раиси сифатида ҳали Самарқандда, ҳали Андижонда, ҳали Қашқадарёда, ҳали Бухорода бўлар, ҳар бир ишни диққат билан ўрганиб, ҳалол, адолатли ва холис ечимга келар эди. У виждон қонунини пролетар қонунлардан юз бор устун қўярди. Бу эса пролетар диктотураси қонунларига зид эди.

1929 йил бошларида “Саъдулла Қосимовнинг устидан миллатчилик ва порахўрликда айблаб шикоят тушган” деган баҳона билан Марказ унинг меҳнат фаолияти устидан текшириш белгилайди. Шу мақсадда Москвадан Растопчин, Корнилов (ОГПУ)лар ҳамда маҳаллий вакил Аҳмадбек Мавлонбековлардан иборат комиссия тузилади. Комиссия 1929 йил 3 март кuni С.Қосимовни ўз вазифасидан расман озод қилиб, қамоққа олади. Уч ой давом этган текшириш ва терговларда бирорта айблов ўз исботини топмади. Натижада Саъдулла Қосимов озодликка чиқиб, ҳатто ўз ишига тикланади. Комиссия Москвага бориши билан танқидга учради. Улар учун ҳақиқат эмас, ҳар қандай ҳолда ўзининг сиёсатига қарши чиққан С.Қосимов маҳв этилиши керак эди...

1930 йил март кuni С.Қосимов айблов баённомаси СССР Олий суди прокуратурасининг муҳим ишлар бўйича терговчиси томонидан тузилди. Самарқандда очилган суд иши 1930 йил 25 мартдан 21 июнгача бўлиб ўтади. Уч ой давом этган бу суд инсоният тарихидаги энг манфур саҳна суди бўлди.

Давлат қораловчиси Р.И.Катаняннинг ҳиссиётга тўла нутқларида ҳуқуқшуносликка оид лотинча терминлар қанчалик кўп бўлса, ҳақиқатдан, адолатдан, энг оддий инсонийликдан заррача нишон йўқ эди.

Суд залида уни атайлаб таҳқирловчи сўзлар билан кесатишлар бўлди. У ҳақидаги мақолаларда С.Қосимовни шўролар мамлакатини ағдариб ташловчи кучга эга ҳақиқий халқ душмани деб айюҳаннос солдилар. Саъдулла Қосимов асло ўзини йўқотмади. Тиз чўкмади. Минг марта талаб қилишса ҳам бир марта ҳеч кимдан кечирим сўрамади. Каруцкий суд залида “мана, ўзини худди миллий қаҳрамон бургут қилиб тутаяпти, ҳеч нарса демайди” деди. Шунда С.Қосимов тилга кириб, уйимни тинтув қилишганида ҳамма қоғозларимни олиб кетишган эди. Қолганларини ҳам кўзимнинг олдида ёқиб ташлашдилар. Бугун менинг номимга айтилаётган бўҳтон ва ёлғонларни ҳужжатларимсиз қандай қилиб исботлайман. Тўғри, судда менга қанча бўҳтон айтишса ҳам индама-

дим. Хўш нимани гапирман. Кимгадир мен ҳам туҳмат қилайинми. Виждонсиз яшагандан мен учун пок виждон билан ўлим афзал-ку, дейди.

Албатта, судда гарчи очиклигига қарамай керакли одамлар киритилмаса-да С.Қосимов ўзини жуда яхши ҳимоя қилади. Ҳар замонда ёзма саволлар билан суднинг аҳволи қанчалик тубанлигини фош қилиб турар эди.

1930 йил 25 мартдан бошланган матбуотдаги шовқин 3 йилгача тиним билмади. Совет матбуотида “Қосимовчилар суди” жараёнининг тайёрланиши ва амалга оширилиши ҳақида пойга ташкил этилди. “Қизил Ўзбекистон”, “Правда Востока”, “Шарқ ҳақиқати”, “Янги Фарғона” газеталарида кенг миқёсда тинимсиз мақола ва хабарлар босилди.

Судга раислик қилган СССР Олий суди судяси Василев Южин Саъдулла Қосимовни қоралар экан, асосий айблари сифатида Андижонда бир эл оқсоқоли бўлган бойнинг ишини кўрганида, халқ унинг ўлимини кутаётган бир вақтда, бойга 6 йил қамоқ жазоси бергани, унинг Убайдулла Хўжаевнинг яқин дўсти эканлиги, бир неча судда унга оқловчилик вазифасини топширганлиги, ҳатто суратни кўрсатиб, мана, унинг ёнида суюкли шогирд сифатида турибди, деган заҳарханда гаплар ҳамда қайнотасининг савдогарлиги, Эшонхўжа Хоний қози бўлганида унга катта ҳурмат кўрсатгани кабилардан нарига ўта олмади.

1931 йил 21 июнь кuni СССР Олий суди номидан Саъдулла Рашидович Қосимов, Бадриддин Шарипов, Насриддин Олимов, Вячеслав Петрович Спиридоновнинг ҳаммаси олий жазога ҳукм қилинди. “Қизил Ўзбекистон” саҳифаларида катта ҳарфлар билан С.Қосимов иши ҳақидаги сўнгги ҳукм барчани ларзага солди.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов: “Эл-юртимиз тақдирига даҳлдор бўлган тарихий адолатни тиклаш, халқимиз ва миллатимизнинг яқин ўтмишидаги ёпиқ саҳифаларини тўла очиб бериш, шу тарихдан сабоқ чиқариб, бугунги ва келажак ҳаётимизга онгли қарашни шакллантириш, бе-ғуноҳ қурбон бўлган инсонлар хотирасини абадийлаштириш биз учун ҳам қарз, ҳам фарз” - дея таъкидлаган эди.Албатта уларнинг хотираси доимо қалбимизда.Суд тизимида бўлаётган исдоҳотлар,қолаверса Янги Ўзбекистоннинг қайтадан кашф этилиши,тинч осуда ҳаётга эришишимиз осон кечмади.Ўсиб келаётган авлодларимиз кечаги тарихимизни,Ватан озодлиги учун жоннини фидо этган ота боболаримизни унутмасликлари лозим

**О.ЗИЯВИДДИНОВ,
Наманган туманлараро
маъмурий судининг раиси.**

СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР —

ФУҚАРОЛАР ВА ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ ОДИЛ СУДЛОВГА ЭРИШИШИДА МУҲИМ КАФОЛАТ

Ўтган йиллар давомида мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасини демократлаштириш ва эркинлаштириш, суд ҳокимиятининг фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги роли ва аҳамиятини ошириш борасида тарихий ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, амалга оширилган барча ислоҳотларнинг тадрижий давоми сифатида жаҳон миқёсидаги жараёнларни ва мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт натижаларини чуқур таҳлил қилган ҳолда кейинги йилларда “Инсон қадри учун” таъминлаш асосида ҳалқимизнинг фаровонлигини янада ошириш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш ҳамда фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислоҳотларнинг устувор йўналишларини белгилаш мақсадида Президентимизнинг 2022 йил 28 январь кунги ПФ-60 сонли Фармонлари билан 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 январдаги ПФ-11-сон Фармонининг қабул қилиниши жорий йилда ҳам суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, одил судловни амалга ошириб борасидаги ҳар қандай аралашув ва тўсқинликларга мурасасиз муносабатни ва ҳуқуқий жавобгарлик чораларини белгилаш борасида долзарб ислоҳотлар амалга оширилишини яна бир бор тасдиқлади.

Хусусан, Фармоннинг 4-бандида судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш мақсадида уларнинг ишига ҳар қандай аралашув қатъий жазоланиши, судьяларнинг хавотирсиз ишлаши учун давлат томонидан барча шароитлар яратилиши қайд этилди.

Суднинг мустақиллиги ва судьялар дахлсизлигини таъминлашни кучайтириш бўйича қуйидаги чоралар белгиланди:

судга ҳурматсизлик қилиш ҳолатларини олдини олишнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш, бунинг учун маъмурий жавобгарлик чораларини кучайтириш ва жиноий жавобгарлик белгилаш;

суд ишларини ҳал этишга аралашганлик ва суд ҳужжатини ижро этмаганлик учун жавобгарлик чораларини кучайтириш, шунингдек, суд ҳужжатларининг ижро этилишини таъминлашга қаратилган таъсирчан механизмларни жорий этиш;

одил судловни амалга ошириш фаолиятига аралашганликка оид ҳар бир жиноят иши якуни бўйича

жамоатчиликни оммавий ахборот воситалари орқали мажбурий равишда хабардор қилиш тартибини жорий этиш;

судьяга нисбатан турар жой дахлсизлигига, ёзишмалар, телефон орқали сўзлашувлар ва бошқа сўзлашувлар, алоқа тармоқлари орқали узатиладиган почта, курьерлик жўнатмалари ва телеграф хабарларининг сир сақланишига бўлган ҳуқуқларни чекловчи, шунингдек, абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар тўғрисидаги ахборотни олишдан иборат тезкор-қидирув тадбирларининг ўтказилишига фақат Бош прокурорнинг санкцияси асосида йўл қўйилишини белгилаш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг процессуал характерга эга бўлмаган, ҳуқуқий тушунтириш бериш борасидаги масалалар бўйича муурожаатларини адлия органлари томонидан кўриб чиқиш амалиётини йўлга қўйиш.

Шунингдек, Фармоннинг 4-бандида Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Судьялар олий кенгашига манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда мазкур бандда назарда тутилган чораларни амалга ошириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш вазифаси юклатилди.


Агар, судья мустақил ва низони ҳал қилиш чоғида ташқи таъсирлардан холи бўлса, бу унинг холис ва адолатли суд ҳужжатларини қабул қилишига шароит яратади. Пировардида аҳолининг судларга бўлган ишончи ортади, жамиятда ҳуқуқ устуворлиги таъминланади.

Бахтиёр ЮЛДАШЕВ,
Фарғона вилоят маъмурий суди судьяси

Элмуроджон ОРТИҚОВ,
Фарғона туманлараро
маъмурий судининг судьяси.



НОТАРИУСНИНГ ИШ КУНИ



Эрта тонгдан ишга ошиқар эканман нотариал ҳаракатларини амалга ошириш учун келаётган фуқароларнинг оғирини енгил қилишни, улар билан хушмуомала лик билан иш олиб боришни дилдан ҳис этаман. Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Йўриқномада Ўзбекистон Республикаси «Нотариат тўғрисида»ги Қонун ва бошқа Қонун ҳужжатларига мувофиқ Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби белгиланган. Вазифамиздан келиб чиқиб, битимлар, васиятномалар, эр хотиннинг умумий мол мулкани бўлиш, мерос масаласи ва модерна торлик вазифаларини ҳаё бажарамиз. Ҳужжатларни нусхаларининг ва ҳужжатлардан олинган кўчирмаларнинг тўғрилигини тасдиқлаш, ҳужжатларнинг бир тилдан иккинчи тилга таржимасини тўғрилигини шаҳодатлаш, кўчмас мулк очиқ савдода сотиб олинганлиги ҳақида гувоҳнома бериш, фуқароларни тирик эканини тасдиқлаш ва бошқа мазмундаги ишларни тасдиқлаш ваколатимизга киради. Бугунги кунда шунга ўхшаш масалалар бўйича нотариусга иурожаат қилиши кўпайиб бормоқда. Айниқса фуқаролар томонидан саволлар кўплаб келмоқда. Мисол учун:

Фуқаро уй-жой олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш учун судга иурожаат қилган ҳамда нотариус томонидан уй-жойни олди-сотди шартномасини вақтинчалик амалга оширмаслиги учун иурожаат қилди дейлик.

Бунда Ўзбекистон Республикасининг "Нотариат тўғрисида"ги Қонуннинг 31-моддасига мувофиқ манфаатдор шахс тасдиқлашни сўраётган ҳуқуқ ёки факт устида даъволашиш учун судга иурожа-

ат қилиш истагидаги бошқа манфаатдор шахснинг аризасига кўра нотариал ҳаракатни амалга ошириш бир маротаба кўпи билан ўн кун муддатга кечиктирилиши мумкин. Агар бу муддат ичида ариза тушганлиги ҳақида суддан маълумот олинмаса, нотариал ҳаракат амалга оширилиши лозим.

Бир манфаатдор шахс тасдиқлашни сўраётган ҳуқуқ ёки факт устида даъволашаётган бошқа манфаатдор шахсдан ариза тушганлиги тўғрисида суддан маълумот олинган тақдирда нотариал ҳаракатни амалга ошириш мазкур иш судда ҳал бўлганига қадар тўхтатиб турилиши кўрсатилган. Яқинда бир аёл ўн кун муддатга уйда низоси борлиги учун тақиқ қўйишни сўраб иурожаат этди. Бундай ҳолатда фуқаро истаган нотариал идорасига иурожаат этиши мумкин. Уни сўровини қабул қилиб шахсини тасдиқловчи ҳужжатини ва уй ҳужжатини кўздан кечириб ариза олиб қолдим. Ва аризада ўн кун муддат ҳақида огоҳлантириб, ўн кундан муддат ўтгандан сўнг тақиқ ечилиши тўғрисида тушинтирдим. Бундан ташқари Фуқарога ўн кун ичида судда иши кўриб чиқиляётгани ҳақидаги Қарор ёки Ажрим олиб келиши, аксинча Қарор ёки Ажрим белгиланган муддатда олиб келинмаса аризачи аёлнинг иштирокисиз ҳам тақиқ олиб ташланиши тушинтирилди. Фуқаро эса ўз розилигини билдирди. Касбимиз тақозоси билан турли мазмундаги дуч келамиз. Шундай пайтларда тажрибадан келиб чиқиб қонунга таянган ҳолда иш олиб борамиз. Фуқаролар ишониб ёнимизга умид билан келади. Уларни ноумид қилмай кўлимиздан келганича ишларини ҳал этиб беришга киришамиз.



Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Фарғона вилоят бошқармаси фаолиятдан

ХОРИЖДАГИ ОТМ ДАН ЎЗБЕКИСТОНГА ЎҚИШНИ КЎЧИРИБ БЕРМОҚЧИ БЎЛГАН ФИРИБГАР УШЛАНДИ

Бош прокуратура ҳузуридаги Департаментнинг Риштон туман бўлими томонидан ўтказилган тезкор тадбирда фуқаро Б.Х. фуқаро М.А.нинг қўшни Қирғизистон Республикаси университетидаги ўқишини Фарғона политехника институтига кўчириб бериши эвазига 3 200

АҚШ долларини олган вақтида ашёвий далиллар билан ушланган.

Мазкур ҳолат юзасидан Жиноят кодексининг 168-моддаси (фирибгарлик) ва 28, 211-моддаси (пора бериш) билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари ўтказилмоқда.

“В” ТОИФАЛИ ҲАЙДОВЧИЛИК ГУВОҲНОМАСИНИ ОЛИБ БЕРИШНИ ВАЪДА ҚИЛГАН МЧЖ РАҲБАРИ УШЛАНДИ

Бош прокуратура ҳузуридаги Департаментнинг Риштон туман бўлими томонидан ДХХ ва ИИБ ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган тезкор тадбирда “А.И.” МЧЖ раҳбари Ш.И. фуқаро З.Т.га ўқув машғулотларига қатнашмасдан, уни ижобий якунланганлиги ҳақида маълумотнома бериб, “В” тоифали ҳайдовчилик гувоҳномасини олиб бериш эвазига 900 АҚШ долларини хизмат хонасида олган вақтида

ашёвий далиллар билан ушланган.

Мазкур ҳолат юзасидан Жиноят кодексининг 25,168-моддаси (фирибгарлик) ва 28, 211-моддаси (пора бериш) билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари ўтказилмоқда.

Дониёр АЗАМОВ,
Департаментнинг Фарғона вилоят
бошқармаси ходими.

ТАБИИЙ РЕСУРСЛАРДАН НОҚОНУНИЙ ФОЙДАЛАНИШ ҲОЛАТЛАРИ ФОШ ЭТИЛМОҚДА

Бош прокуратура ҳузуридаги Фарғона вилоят бошқармаси томонидан ўтказилган терговга қадар текширувда “S.S.” фермер хўжалиги раҳбари Б.Н. Қува тумани “Маданият” МФЙ сув насосларини ҳеч қандай ҳужжатларсиз умумий фойдаланишдаги электр тармоғига ўзбошимчалик билан улаб, жами 481,5 млн сўмлик электр энергиясидан ноқонуний фойдаланганликлари аниқланган.

Шу каби, Департаментнинг Қўштепа туман бўлими томонидан ЭТК ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган терговга қадар текширувда “D.” фермер хўжалиги масъул шахслари дала майдонини суғориш учун ўрнатилган сув насосини умумий фойдаланишдаги тармоққа электрон дастурга киритилмаган ҳисоблагич орқали ўғрилиқ йўли билан улаб, жами 148,9 минг кВт/с электр энергиясидан ноқонуний

фойдаланиб келганлиги аниқланган.

Шунингдек, Департаментнинг Ўзбекистон туман бўлими томонидан ДХХ ва ИИБ ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган тезкор тадбирда фуқаро “Қоратепа” МФЙ ҳудудидаги оҳак цехини умумий фойдаланишдаги газ тармоғига ўғрилиқ йўли билан улаб, жами 168,5 млн сўмлик табиий газдан ноқонуний фойдаланганлиги аниқланган.

Мазкур ҳолатлар юзасидан Жиноят кодексининг 185-2-моддаси (электр, иссиқлик энергияси, газ, водопроводдан фойдаланиш қоидаларини бузиш) ва 169-моддаси (ўғрилиқ) билан жиноят ишлари қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари.

Бунёдбек МАМАСАЛИЕВ,
Департаментнинг Фарғона вилоят
бошқармаси ходими.



Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Фарғона вилоят бошқармаси фаолиятидан

БАНКОМАТДАГИ ПУЛЛАРНИ ТАЛОН-ТОРОЖ ҚИЛГАН ҲАЗНАЧИ АНИҚЛАНДИ

Бош прокуратура ҳузуридаги Департаментнинг Қувасой шаҳар бўлими томонидан АТ «Халқ банки» Қувасой филиалининг мурожаатига асосан ўтказилган терговга қадар текширувда ушбу банк филиали ғазначиси ўзига бириктирилган банкоматни нақд пул билан тўлдириш ҳамда сейф қисмидаги кассеталарни олиш учун рухсат берилганлигидан фойдаланиб, жорий йилнинг май-июнь ойларида жами 212 млн 800 минг сўмни яқин қариндоши ҳамда ўзининг пластик картасига ўтказиш йўли билан талон-торож қилганлиги аниқланган.

Мазкур ҳолат юзасидан Жиноят кодексининг 167-моддаси (ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш) билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари ўтказилмоқда.

Боқижон Турсуналиев,
Департаментнинг Фарғона вилоят
бошқармаси ходими.

ИШГА КИРИТИБ ҚЎЙИШНИ ВАЪДА ҚИЛГАН ФИРИБГАРЛАР УШЛАНДИ

Бош прокуратура ҳузуридаги Департаментнинг Бағдод туман бўлими томонидан ИИБ ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган тезкор тадбирда фуқаро Р.Қ. 2 нафар фуқаронинг ишончига кириб, уларни юқори лавозимда ишловчи танишлари ёрдамида ички ишлар органларига ишга киритиб қўйиш эвазига улардан талаб қилган 4000 АҚШ доллари ва 30 млн сўмни олган вақтида ашёвий далиллар билан ушланган.

Мазкур ҳолат юзасидан Жиноят кодексининг 25,168-моддаси (фирибгарлик) билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари ўтказилмоқда.

Сардорбек СИДИҚОВ,
Департаментнинг Фарғона вилоят
бошқармаси ходими.

МАРҒИЛОН ШАҲРИДА УЙ САВДОСИ БИЛАН БОҒЛИҚ ФИРИБГАРЛИК ҲОЛАТИ ФОШ ЭТИЛДИ

Бош прокуратура ҳузуридаги Департаментнинг Марғилон шаҳар бўлими томонидан ДХХ ва ИИБ ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган тезкор тадбирда фуқаролар Т.Н. ва Т.Х. фуқаро М.Ю.га танишлари ёрдамида 7 000 АҚШ доллари эвазига вафот этган фуқаронинг Фарғона шаҳар А.Ясавий кўчасидаги хонадонини унинг номига расмийлаштириб беришларини айтиб, олдиндан 4.000 АҚШ долларини олган вақтда ашёвий далиллар билан ушланган.

Мазкур ҳолат юзасидан Жиноят кодексининг 25,168-моддаси (фирибгарлик) билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари ўтказилмоқда.

Аҳаджон ИСРОИЛОВ,
Департаментнинг Фарғона вилоят
бошқармаси ходими.

ТАДБИРКОРЛАРГА ЯҚИНДАН АМАЛИЙ КЎМАКЛАР БЕРИЛМОҚДА

Бош прокуратура, ДХХ ва Департамент органлари томонидан Қўқон шаҳрида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни республикамиз аҳолисига воситачиларсиз, “биринчи қўл” тамойили асосида арзон ва сифатли етказиш мақсадида Қўқон шаҳар ва атроф туманлардаги тадбиркорлар иштирокида 29.07.2023 йилда Қўқон шаҳрида кўргазмали савдо ярмаркаси ташкил этилди.

Ўтказилган савдо ярмаркасида 400 дан ортиқ ишлаб чиқарувчи тадбиркорлар 600 хил турдаги маҳсулотлар билан иштирок этди, савдо ярмаркасида иштирок этиш учун республиканинг барча вилоятларидан 500 дан ортиқ тадбиркорлар келганлар, шунингдек, мазкур савдо ярмаркасида қўшни давлатлардан яъни, Тожикистон ва Афғонистондан ҳам тадбиркорлар иштирок этдилар.

Ўтказилган савдо ярмаркаси давомида тадбиркорлар ўртасида 211 та 21 млрд 393 млн. сўмлик шартномалар имзоланди.

Носиржон ШЕРАЛИЕВ,
Департаментнинг Фарғона вилоят
бошқармаси ходими.



«КАТТА ҚИРҒИН»НИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР БАЗАСИ

Зўравонлик ва қатағон сиёсати совет ҳокимиятининг дунёга келган илк кунларданок бошланган бўлиб, давлат мавжудлигининг зарурий шарти сифатида унинг иқтисодий, сиёсий ва мафкуравий ҳукмронлигини таъминлаб турди. Совет ҳукумати оммавий қатағонларни Сиёсий бюро ва партия раҳнамолигида бевосита махсус ҳарбийлаштирилган органларига таянган ҳолда ўтказди.

Маълумки, 1917 йил 7 декабрда Халқ Комиссарлари Совети Ф.Е.Дзержинский бошчилигида "Аксиланқиллобчилик ва иш ташлашликка қарши кураш бўйича Бутунроссия Фавқулодда Комиссияси (ВЧК) ни тузиш тўғрисида" қарор қабул қилган. 1919 йил 17 майдан бошлаб Бутунроссия Марказий Ижроия Қўмитасининг қарори билан ВЧК Концентрацион лагерлари ва НКВДнинг мажбурий иш лагерларини ташкил этиш ишлари бошлаб юборилди. 1922 йил 6 февралда - Бутунроссия Марказий Ижроия Қўмитаси декрети билан Бутунроссия Фавқулодда Комиссияси тарқатилиб, РСФСР Ички Ишлар Халқ Комиссарлиги ҳузурида Давлат Сиёсий Бошқармаси (ГПУ) тузилди. 1923 йил 2 ноябрда - СССР Марказий Ижроия Қўмитаси қарори билан СССР Халқ Комиссарлари Совети ҳузурида Бирлашган Давлат Сиёсий Бошқармаси (ОГПУ) ташкил этилади. 1934 йил 10 июлдан - ОГПУ негизда СССР Ички Ишлар Халқ Комиссарлиги (НКВД) вужудга келди. Шу даврдан бошлаб, биринчи СССР Ички Ишлар Халқ Комиссари Г.Г.Ягоданинг ташаббуси билан Марказқўм ижозатисиз НКВД лагерларидаги маҳбусларнинг жиноий ишларини кўриб чиқувчи ноқонуний судлар ташкил этила бошланди. Совет давлати ўзининг иқтисодий, сиёсий қудратини орттириб бориши, ички ва ташқи сиёсатида маълум муваффақиятларни қўлга кириштириш жараёнида мамлакатдаги ўзига қарши бўлган кучларга нисбатан жазо чораларини кескин кўпайтириб юборди. Давлат-партия муассасалари манфатлари билан уйғунлашиб кетган совет қонунчилиги

муҳолиф кучларга давлат олдида ўз айбларини оқлаб олиши учун ҳеч бир имкон қолдирмайдди.

Аксинча, уларни бир зарбада ва абадий йўқ қилиш учун барча воситаларни ишга солади. 1934-1935 йилларнинг ўзида 260 мингга яқин киши қамоққа олинади. Ягодадан кейин НКВДга раҳбарлик қилган "темир нарком" Н.И.Ежов шахсан Сталиннинг қўрсатмаси асосида НКВДни оммавий қирғин ва қатағон қуролига айлантиради.

Умуман, советлар давлатининг дастлабки даврида Бутунроссия Фавқулодда Комиссияси (ВЧК) ташкил этилган 1917 йилдан 1939 йилгача бўлган вақтда биргина Ўзбекистонда 450 минг киши устидан жиноий иш қўзғатилган эди. 1937-1938 йилларда амалга оширилган "Катта қирғин", аввало, Ленин бошлаб берган, кейин Сталин изчил давом эттирган қатағон сиёсатининг авж нуктаси - кульминацияси бўлди. Бунда дастлаб, 20-30-йилларнинг бошларида ВЧК-ГПУ-ОГПУ-НКВД органлари томонидан ҳибсга олинган, маълум муддатдан кейин бирор айби йўқлиги учун озод қилинган кишилар 1937-1938 йилларда қайта ҳибсга олинди ва қатағонга дучор қилинди. СССР ички ишлар халқ комиссари Николай Ежов томонидан И.В.Сталинга тақдим қилинган "қатл рўйхатлари"нинг аксарияти, гумон ва тўхматлар асосида шакллантирилган эди. Улар сиёсий бюро аъзолари - И.В.Сталин, В.М.Молотов, А.А.Жданов, Л.М. Каганович, К.Е.Ворошилов ва бошқалар томонидан имзоланиб тасдиқланган. Шундан сўнг НКВД ходимлари тергов ишлари учун



жазо чораларини ҳам белгилаб қўйганлар. Агар айбланувчи отиладиган бўлса, айблов хулосага "1" (биринчи категория), агар айбланувчи озодликдан маълум муддатга маҳрум қилинадиган бўлса айблов хулосага "2" яъни, иккинчи категория деб белги қўйилган. Жойлардаги Ички ишлар халқ комиссарликлари СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси кўриб чиқадиган тергов ишларини тугатиб, айблов хулосаларини тайёрлаганларида маҳбусларга бериладиган жазо чораларининг аввалдан белгилаб қўйилгани аён бўлган ва шу ҳол одатга кирган. "Қатл рўйхатлари"да ҳибсга олинажак шахсларнинг исми-шарифлари, қандай жазо чораси кўрилиши ҳам олдиндан белгиланган эди. Олий суд Ҳарбий коллегияси аъзолари кўрилайётган ишлар бўйича ҳукм чиқаришда ана шу белгиларга амал қилиш билан чекланганлар, холос. Ҳарбий коллегия суд ишларини аслида батафсил кўрмаган, жазо чораларини белгилашда олдиндан, аввалги тахминий тергов материалларини механик тарзда штамплаб қўйиш билан кифояланилган. Ҳарбий коллегиянинг судлов йиғилиши, ҳукм чиқариш ва уни эълон қилиш жараёни бор-йўғи 15-20 дақиқада амалга оширилган. Ҳатто СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси телеграф орқали ҳукм тайинлашгача бориб етган. Ана шундай механизм асосида шаклланган қатағон маши- наси қатъий белгиланган тартиб асосида олиб борилган ва унга қарши чиқишнинг асло имкониятини қолдирилмаган. Академик А.И. Яковлев большевизмнинг инсоният олдидаги жино-

ятларини қайд этиб, "мислсиз сохталаштиришлар, ёлғон айбловлар, суддан ташқарида қабул қилинган ҳукмлар учун, суд ва терговсиз отиб юборишлар, таъқиблар, қийноқлар, концлагерлар, жумладан гаровга олинган болалар, тинч аҳолига қарши заҳарловчи газлар қўллагани учун, ленинча-сталинча қатағонда 20 миллиондан кўп киши ҳалок бўлгани учун большевизм жавобгарликдан қутула олмайди", деб бежиз ёзмаган.

Сиёсий бюронинг 1937 йил 2 июлдаги "Советларга қарши унсурлар тўғрисида"ги қарори кенг қўлмали қатағон операцияси - "Катта террор"нинг бошланганлигини англатди. 1937 йил 30 июлда НКВД комиссари Н.Ежовнинг «Собиқ қулоқлар, жиноятчилар ва бошқа антисовет элементларни қатағон қилиш бўйича операция тўғрисида»ги 00447-сонли мутлақо махфий оператив буйруғи чиқарилди. Ушбу буйруқ ижросини таъминлаш учун барча чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва республикалар, ўлкалар, вилоятлар ҳудудларида маҳаллий шарт-шароитлар инобатга олинган ҳолда юзага келган вазиятга мувофиқ равишда оператив секторлар таш- кил қилинди. Унда антисовет уюшмаларни тергов қилиш материалларида, муқаддам қатағон қилинган, қатағон бўлишдан яшириниб юрган, лагерлардан, сургундан ва меҳнат посёлкаларидан қочиб келган собиқ қулоқларнинг катта қисм ўрнашиб қолганлиги қайд этилган эди.

Бундай нохушликлар ўша давр ҳуқуқшуносларини ҳам четлаб ўтмади.

ЁШЛАР ИШЛАРИ АГЕНТЛИГИ ВОЛОНТЁРЛИК ФАОЛИЯТИ СОҲАСИДА МАХСУС ВАКОЛАТЛИ ОРГАН ЭТИБ БЕЛГИЛАНДИ

Президент томонидан имзоланган Қонун (ЎРҚ–863-сон, 18.08.2023 й.) билан “Волонтёрлик фаолияти тўғрисида”ги Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Киритилган қўшимчаларга мувофиқ, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Ёшлар ишлари агентлиги волонтерлик фаолияти соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи ҳисобланади.

Агентлик, жумладан:

- соҳада давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этади;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;
- қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар киритади.

Қонун билан Республика ижро этувчи ҳокимият органларининг волонтерлик фаолияти соҳасидаги ваколатлари белгиланди.

Шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига соҳада норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, давлат мақсадли дастурларини амалга ошириш бўйича ваколатлар берилди.

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

БАЛИҚЧИЛИК ЛОЙИҲАЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН ГАРОВСИЗ КРЕДИТ БЕРИЛАДИ

“Балиқчилик хўжалиги эҳтиёжлари учун сув ҳавзаларидан фойдаланиш тартибини такомиллаштириш ҳамда балиқ овлаш ва сув бўйи туризми масканларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори (ПҚ–281-сон, 18.08.2023 й.) қабул қилинди.

Қарорга кўра, 2023 йил 1 октябрдан қуйидагилар тадбиркорларга “E-auksion” электрон савдо платформасида электрон онлайн аукцион орқали ижарага берилади:

— давлатга тегишли табиий ва сунъий сув ҳавзалари (сув омборлари) – балиқни саноат ўсулида етиштириш, овлаш ва қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мақсадлар учун;

— табиий ва сунъий сув ҳавзалари (сув омборлари) ҳамда дарё атрофидаги қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкалари – сув бўйида пляж зоналарини ташкил этиш, спорт-ишқибозлик туридаги балиқ овлаш, балиқ ови, қайиқда сузиш ва сув саёҳати бўйича хизматлар кўрсатиш, балиқ маҳсулотлари, шу жумладан балиқ таомлари савдоси, умумий овқатланиш ва бошқа туризм хизматларини ташкил этиш ҳамда ушбу мақсадларда енгил конструкцияли қурилмаларни (ўтов лагерлари мажмуаси, контейнерларни) жойлаштириш учун.

Қарорга кўра, 2024 йилда республикада:

— 900 минг тонна балиқ етиштириш;
— 35 240 гектар сунъий сув ҳавзаларини интенсивлаштириб, 513 600 тонна балиқ етиштириш;

— 9 000 хонадонда интенсив усулда балиқ етиштиришни йўлга қўйиш назарда тутилган.

2024 йил 1 январдан “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури доирасида аҳоли ва тадбиркорларга балиқчилик лойиҳаларини амалга ошириш учун 50 миллион сўмгача гаровсиз кредит ажратилади.



Қўқон шаҳар 1-ДМТТда 12 та гуруҳ мавжуд бўлиб ҳозирга кунда 320 нафар бола тарбияланмоқда. Ёзги соғломлаштириш мавсуми болажонлар учун режа асосида жуда чиройли ташкил этилган «Витаминжонлар байрами» ва «Соғ танда соғлом ақл»

Зумрадойлар даврасида сингари тадбирлар орқали болажонлар ёз мавсумини мароқли ўтказишмоқда.

Шахноза ХАСАНОВА,
ташкилот директори.



Бундан ташқари Қўқон шаҳридаги 8-ДМТТда ҳам 5та гуруҳда 150 нафар бола тарбия топмоқда. Улар ҳам ёзги мавсумда болажонларга таълимий тарбиявий тадбирлар ташкиллаб мириқиб дам олишлари учун барча шароитлар яратиб бердилар. Шаҳардаги яна бир кичикинтойлар таълим муссасаси 23 болалар

боғчасида ҳам ёзги машғулотлар самарали ооиб бориляпти. Бундан ота оналар ҳам хурсанд. Чунки фарзандларининг ҳар томонлама жисмонан соғлом, руҳан тетик бўлиб вояга етаётганлиги уларни бе-хавотир ўз ишлари билан шуғилланишларига кўмак бермоқда.



Rishton tumani maktabgacha va maktab ta'limi bo'limi tasarrufidagi 63-sonli davlat maktabgacha ta'lim tashkilotida «Yoshlar Festivali» doirasida tashkil etilgan «Zukko bolajon» albom taqdimot tadbirli o'tkazildi. Tadbirda O'zbekiston Respublikasida xizmat ko'rsatgan madaniyat xodimlari, Maktabgacha va maktab ta'limi vazirligi vakillari, Farg'ona viloyati maktabgacha va maktab ta'limi boshqarmasi boshlig'i, Rishton tuman hokimligi, Rishton tuman maktabgacha va maktab ta'limi bo'limi xodimlari va davlat maktabgacha ta'lim tashkilotlari direktorlari ishtirok etdilar. 63-sonli DMTT direktori Ismoilova Muattarxon jamoasi bilan birgalikda taqdirlandi.

